

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЮРТИМ МУҲАММАДҚОДИРЛАРИ



“Эзгу ишнинг кўш қаноти бор”, дейди халқимиз. 2000 йилнинг 1 октябр тонготари элимизга қувонч ва шодликлар ҳада этди. Узоқ Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтган XXVII Олимпия ўйинларидан қора кўз ўзбек ўғли Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича Олимпия чемпиони деган шарафга эришди.

...Худди шу куни пойтахтимиздаги хонадон-

лардан бирида уч қиздан сўнг ўғил фарзанд дунёга келди. Оила кайвонийси, Республика спорт фахрийлари кенгаши раиси Абдуҳамид Ҳамроқулов наби-расига Муҳаммадқодир деб исм қўйди. У эндигина 2 ёшга тўлган. Ёш Муҳаммадқодир ўйинчоқлари жамламасини бокс кўлқоплари, коптоқлар ва шунга ўхшаш спорт анжомлари ташкил этади.

Шерали ҲАБИБУЛЛО



УЛАР БЎЗШИГ ФАХРИМИЗ

Республикамиздаги таниқли спортчилар орасида беқободлик ака-ука Абдумавлоновларнинг ўзига хос ўринлари бор. Уч ака-ука — Аъзам, Фаррух ва Парвизлар спортнинг карате тури бўйича ажойиб ютуқларни қўлга киритишди. Улар Самарқанддаги Осиё биринчилигида, Венгрияда, “Санта-Клаус” халқаро турнирида, АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишди.

Президентимиз таъкидлаганидек, она Ўзбекистонимиз ёшларининг келажаги ҳам порлоқдир. Карате спорти бўйича ўзларининг истеъдодларини намойиш қилаётган уч ога-ини турли мусобақаларда қатнашиб, 74 та медални қўлга киритишди. Улар хали ёш, келажаги эса олдинда.

Демак, келгусида улар юртимизнинг шарафини ҳимоя қилиш учун спорт майдонларидаги жуда кўп мусобақаларда қатнашадилар.

БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ЎСИШЛАРИ УЧУН!

2002 йил 31 октябр куни Президентимиз И. Каримовнинг имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш

жамғармасини тузиш тўғрисида” 2002 йилнинг 24 октябридаги ПФ - 3154-сон Фармони билан бажариш ҳамда

жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг олдида турган вазифалар ёритилди.

Жумладан, Қарорда юртимизда Болалар спортини ривожлантириш учун зарур ишларни амалга оши-

риш, бунга масъул раҳбарлар ва ташкилотларнинг вазифалари батафсил белгиланди.

Мазкур Қарор республикамиздаги кўпгина ташкилотлар ва раҳбарлар зиммасига катта вазифалар юклайди, албатта.

Бундай ғамхўрлик биз келажакимизни ишониб топширайдиган ёш авлодимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб ўсишларини таъминлайди!

Оила халқимизда азалдан муқаддас саналган. Унинг мустақамлиги, бахтли турмуши жамиятнинг соғлом негизини ташкил этади, унга кучқудрат бағишлайди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилишнинг кўп вазифаси аввало оила зиммасидаги масъулиятдир. Ҳар бир оила бир олам китобдир. Саҳифаларини арақлар экансиз, ибрат, фахр, ғурур деган ҳаққоний сўзларга жавоб топасиз. Кечагина юртимизда спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ



ғоят муҳим шарт сифатида Болалар оммавий спортини ривожлантириш мақсадида Фармон эълон қилинди. Юртбошимизнинг ушбу сазй-ҳаракатларидан йўғирилган шуур, бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир оиласига нурдек кириб бормоқда. Камолатга эришаётган ёш авлод қалбида спортга меҳр янада кучаймоқда.

Юртимизнинг гўзал гўшаси ҳисобланган Дўрмонда Ҳабибулло Ортиқовлар хонадони бор. Кўпчилик бу

оиланинг спортчилар оиласи эканлигини ҳам яхши билишади. Оила бошлиғи Ҳабибулло ака болалик чоғинданок спортга меҳр қўйди. Айниқса, футбол, шахмат каби спорт турлари бўйича мухлисларига яхши таниш. Бугунги кунда 52 ёшли Ҳабибулло ака юртимизда ташкил топган фахрийларнинг футбол ўйинида моҳир дарвозабон. Ҳабибулло аканинг 6 нафар кизи бор. Нафиса, Нодира, Гулнора, Муяссар, Хуснора, Гулчехра. Оиланинг тўнғичи Нафиса спорт журнали-

сти, Нодира, Гулчехра стол тенниси ишқибози, Гулнора, Муяссар, Хуснора эса туман, вилоят мусобақалари ғолиби, республика, жаҳон ва Осиё чемпионатлари қатнашчиси. Бир неча халқаро турнирларда шахмат бўйича муносиб ўринларни эгаллашган.

Бу қизларнинг алп йигитлардек ғайрати, шижоати бор. Уларнинг онаси Набيرا опа спортчи қизларнинг одоб ва ахлоқидан, ҳар бир маъсулиятдан қувониб яшайди.

Маъмура МАДРАҲИМОВА

ВАТАНИМ ШАЪНИ УЧУН КУРАШАМАН

Ўзбекистонимиз номининг дунёга танилишида спортчи йигитларимиз билан бир қаторда спортчи қизларимиз ҳам бўш келишмаяпти. Ҳамюртимиз, иктидорли теннисчи Ирода Тўлаганова ана шундай қизларимиздан. У Лондонда ўтказилган “Улкан тож” туркумига кирувчи “Уимблдон” турнирининг қизлар мусобақасида ғолиб чиқди. Японияда эса Осиё чемпиони юксак номига сазовор бўлди. Ўзининг беқиёс, бетакрор ютуқлари, юртимиз номини дунёга танитишдаги жонбозликлари учун Президентимиз томонидан “Ўзбекистон ифтихори” юксак мукофоти билан тақдирланди.

Мен Ватанимни дунёга машҳур қилишга оз бўлса-да хиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Ўзим ўсиб улғайган юртим, Ўзбекистоним дунёга машҳур бўлса, Ватан олдидаги ўз бурчимни бажардим, деб ҳисоблайман,- дейди Ирода.

БАСИРА тайёрлади





ГАЗЕТАНИ ОЛИБ ЮЗЛАРИГА БОСДИ

Жондан азиз навниҳол фарзандингдан айрилмоқ хонумонингни куйдириб кул қилиб юбораркан. Азиз юртдошлар, балки бемаҳал боласидан ажралиб мендек қон қақшаб қолган оналар бордир. Мен боламдан, 23 ёшга кирган Дилафрўзимдан ажралиб қолдим. У менга дунёларга ҳам ишонмаган нурийдасини, фарзанди Азизини ташлаганича бу фоний дунёдан кўз юмди. Уша кунни ўзи жон талвасада ётибди-ю: «Онажон, бугун 2 январ, чоршанба куни, мен севган газетам «Оила ва жамият»ни олиб келиш эсингиздан чиқмасин», деди. Мен ҳамма нарсаи ташлаб дўконга югурдим. Газетани олиб келиб Дилафрўзимнинг қўлига бердим. Унинг чиройи очилди. Юзларига қизиллик югурди. Газетани олиб юзларига босди-да: «Онажон, агар менга бир гап бўлса... Шу газетани олиб келиш эсингиздан чиқмасин?», деди. Мен ийғлардим. Улими олдидан боламга ваъда бердим.

Қизим жуда самимий, беғубор қалби инсон эди. Мен касал бўлиб шифохонада анча ётишимга тўғри келди. Шу вақтда у бир йигит билан танишибди. Ишонибди унга. У эса... Қизимни қанча маломатларга кўйди. Библи-билмаган одамлар унинг шаънига турли хил бўлмағур гапларни тарқатишди. Мен, онасигина қизимнинг алданиб қолганлигини тушунардим, холос. Қўлимдан келганича Дилафрўзимни юпатардим. Қизим жуда пазанда эди. У пиширган тортларни, уларнинг устидаги гуллариини кўриб ейишга ҳам кишининг кўзи қиймасди. Ана шундай ажойиб кизимдан айрилганимга ҳам ўн ой бўлди. Утган йилнинг 2 ноябр куни қизининг туғилган кунини нишонлаб,

ДАВЛАТОЙ Тўйена

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан Дилбар опа Акрамова «Ўзбекистон Каҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

У Наманган вилояти энгил саноати соҳасига муносиб ҳисса қўшган етук мутахассис. «Нотўқимачи», «Атлас», «Намангантекстил» акционерлик жамиятларида турли лавозимларда ишлаган. Ўн йилдан ортиқ бадий буюмлар фабрикасини бошқарган.

раҳматликда шунақанги одат бор эди. У киши олий маълумотли ўқитувчи бўлишлари билан бирга, қаттиққўл раҳбар, ўз ўрнида раҳмдил инсон бўлганлар. Хатто, айрим бечораҳол ўқувчилар бизниқанда яшарди. Эсимизни таниганимиздан кейин жуда кўп насихатлар қилганлар. Бошлаган ишни охирига етказиш, оддий одамларга кўпроқ суяниш, саховатли бўлиш, лафзда туриш сингари фазилатларни отамдан ўрганганман.

Қолаверса, биз ўша «ошқоралик»ка тайёр эдикми? Йўқ, гуруҳ-бозиларга барчаси парокандалик, ўзбошимчалик белгиси эди.

Яхшиҳамки, Юртбошимизнинг одил сиёсатлари бизни турли балолардан асраб қолди. Оқимларга қарши кескин кураш бошланди. Ҳали ҳануз эсимдан чиқмайди. Фабрикада директорман. Бир тўйда ақидапастлар: «Бу жойни бизга бўшатиб берасиз?» деб туриб олган. Тиш-тирноғим

ЭЛИДА ҚАДР ТОПГАН АЁЛ

Мурувватли қалб соҳиби Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси вилоят бўлимини ҳам оёққа тургазди. Ўнлаб, юзлаб муҳтож оилаларга кириб борди. Имкон қадар ёрдам қўлини чўзди. Шунингдек, вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда жуда кўп хайрли тадбирлар ўтказди. Бир фаол аёл сифатида қадр-қиммат топди.



билан қарши чиққанман, ўшанда.

Шунданам кўрқмаганман. Одамлар тинчи, юрт мустақиллиги учун ҳамма вақт зузур-ҳаловатдан кечганман.

Биз Абдуллажон акангиз билан бир умр бир-биримизни қўллаб-қувватлаб яшадик. Ишонсангиз, бизнинг ўрта-мизда ҳеч қачон сир бўлмаган. Қарашларимиз турлича бўлиши мумкин, аммо ҳамма вақт мақсадларимиз муштарак эди.

Даврага келиб қўшилган Абдуллажон акани суҳбатга тортаман.

- Опанинг Қаҳрамон бўлишлари ҳақида нима дейсиз?

- Аввалига ишонмадим. Матбуотда эълон қилингандан кейин наҳотки, наҳотки дейман холос. Биласизми, мен Дилбар опанингизни умр йўлдошим бўлгани учун мақтамайман. Бу кишининг меҳнатларини,

Аёлга эҳтиром

иродаларини қадрлайман. Мана, ўзларининг меҳнатларини, рўпарангизда турибдилар, мен опанингизни умр бўйи сиқлаганман. Чунки аёл келиши энг аввало оилада қадр топиши керак. Ким нима деганда ҳам биз арзийдиган ҳаёт кечирдик.

Рост. Абдуллажон ака ҳақ гапни айтди. Дилбар опа сингари қаҳрамон бўлиш учун йиллар керак. Бардош керак. Яна ҳалоллиги, дўст-биродарларга содиқлиги ва яна бир қанча фазилатлари тўғрисида тўлиб-тошиб ёзиш мумкин. Ва бунга ҳали фурсат ҳам келади. Энг муҳими, юртимизнинг энг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ўз эгасига берилди.

Д. ОТАХОНОВА

Унинг содда ва самимий нигоҳларига боқар эканман, худди ўзим қаҳрамон бўлгандек, ҳаяжонимни яширолмайман. Ва:

- Ҳозир кўнглингиздан нималар ўтпти? - дейман секингина.

- Бунни сўз билан таъриф этолмайман... Одам ўзидан-ўзи рози бўлади, деган гапни эшитганимиз? Ўзбекистон Қаҳрамони бўлиганини биринчи бўлиб вилоят ҳокими Тўлқин Отахонович айтдилар. Ишонсангиз, қарахт бўлиб қолдим. Йилгайман, холос. Уша кунни туни билан ухламадим. Бутун умрим давомида қилган ишларим, чеккан заҳматларим бирма-бир ҳаёлимдан ўтди.

- Сизни жуда кўпчилик ҳақиқатчи аёл дейди.

- Рост. Ортиқча мулозamat, бировга «пахта» қўйиш одати йўқ менда. Бўладиган гапни гапирришга, ақил етган ишни қилишга ўрганганман.

- Шу билан бирга кўнглингиз юмшоқлигини ҳам биланман.

- Ҳа, бу ҳам тўғри. Чунки, отам

- Дилбар опа, Сизнинг жомат ишларида фаол ҳаракат қилганингизни биланман. Бадиий буюмлар фабрикасида ҳам ишлагансиз. Аммо жуда кўпчилик, Сиз ҳақингизда сўз кетганда ўша тўқсонинчи йилларнинг бошини эслайди. Минбарларда туриб дадид сўзлаганингиз-у, турли оқимларга қарши аниқ фикр айтганингизни гапирришад.

- Биз мустақилликка осонликча эришмадик. Ташқи душманларни-ку қўйинг, ичимизда юрган ғаламислар қанча «қаромат» кўрсатишди. Бир-бирини тушунмайдиган сохта сиёсатчилар, тузилиши осон бўлган турли «ҳаракат»лар сал бўлмаса, жамиятни издан чиқариб юборай деди-ку. Беғуноҳ қурбонлар, тинчи йўқолган халқ, библи-билмай турли оқимларга қўшилиб кетган ёшларнинг уволи йўқми?

ҚУВОНЧИНГГА ШЕРИКМИЗ, БОЛАЖОН!



Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманига қарашли Абай Қунаибоев номидаги 199-максус ёрдамчи мактабга ташриф буюрганамизда очиги у ерда таълим олаётган болаларнинг шодликларини кўриб кўнглимиз фаҳрга тўлди. Ушбу мактабнинг 30 йиллик тўйини нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрганликлари ўқитувчиларнинг юз-кўзларидан кўришиб турибди. «Мактабимизда таълим олаётган 440 дан ортиқ ўқувчилар ақлий ёки жисмоний жиҳатдан заиф бўлиб, улар бу ерга психоневролог тавсияси билан келишди», -

де йди биз билан суҳбатда мактаб директори Зухра Худойбергана Усмонова.

Ақлан ҳамда жисмонан носоглом бўлган болаларни ҳаётга йўллаш осон кечмайди, албатта. Соғлом болага илм ўргатиш учун ўқитувчидан талаб қилинадиган қувват, носоглом болага нисбатан 10 баробар юқори бўлади. Шаҳноза Алиева ёш бўлишига қарамадан соғлиғи анча заиф бўлган 1, 2-синф ўқувчиларига тарбия берди. Шаҳноза баъзи болаларнинг овқатини егизиб қўйишни ўзининг бурчи деб билади.

Мана шу мактабдаги болалар учун ўз куч-ғайратларини аямаяқан фахрий ўқитувчилардан Шода

ҳида Муслимова, Нуриносо Рустамбекова, Лида Каласовская, Тамара Пакидова, Светлана Раимова, Владимир Гуденковлар ҳозирги кунда ҳам мактаб ўқувчилари учун ўз билим ва эътиборларини сарфлашмоқда. Фахрийларнинг машаққатли меҳнатлари бугун мактаб раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. Уларга совға-саломлар улашиб, юксак эҳтиром кўрсатилди.

Биз бугун ўқитувчилик машаққатли, аини дамда шарафли касб эканини унутмай меҳнат қилиб яшаётган мактаб жамоасининг келажақдаги орзуларини амалга ошишига ишонч билдирдик. Зеро, ҳар бир ёш авлодининг ўз ҳаёт йўлини топиб олишида муаллим — порлоқ шимчи роғдир.

Сувратда: (Чапдан ўнгга) — илмий мудири Тожийой Соёпова, мактаб директори — Зухра Худойбергана, бошланғич синф илмий мудири — Дилором Холбоева, жоматчи ўқитувчи — Зухраҳон Жўраева.

НИГОРА АЛИШЕР КИЗИ

ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙВЕРАСИЗ

Баъзан ёнимизда юрган инсонлар вафот этишганда сўнггина унинг сифатлари, қилган ишларини эслаб, қадрлай бошлаймиз. Ҳикоят опа Шарипова ҳаётлигида ҳам қадрли, эъзозли эди...

Ҳожеали ўлим орамиздан эзгу ниятлар билан яшашдан чарчамайдиган хушчақчақ ҳамроҳ, ажойиб ўй бекаси, ишбилармон тадбиркор, саховатли инсон, ҳар ишда каймарбаста дўстанд бевақт айирди бизни. Ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб элга қўшган меҳрибон она Ҳикоят опа бошқалардан ҳам меҳру мурувватини аямасди. Тирикликда унинг кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатаётгани тўғрисида газетамга ёзайлик деганимизда, у: «Мен кўз-кўз қилиш учун эмас, савоб олиш ниятидан ҳам олдин юрагимда пайдо бўлган раҳм-шафқат хислари измида қилаялман бу ишларни», дер эди...

Жамгина: «Мен сенга, сен менга тегма» қабилда яшаш-

ни билмас эди Ҳикоят опа. Тадбиркорлик фаолияти ордасидан келадиган даромадини Денов шаҳридаги кўплаб ободончилик ишлари, турли тадбирларга сарфлашдан чарчамас эди. Ҳикоят опа кирган давралар жонлибди, базму байрамлар хуш кайфиятда, хушчақчақлик билан ўтарди. Бир сўз билан айтганда инсон кўнглини топа оладиган дилкаш инсон эди. Унинг камтарона меҳнатини нафақат деновликлар, балки бутун сурхондарёликлар яхши қадрлайдилар.

Унинг ўлиmidан ҳабар топган кунни шаҳардаги ҳар бир кишининг кўзларида ёш кўрдик...

Биламан қай кун паймонам тўлиб, Шу замин остида эришкан таним. Қабримнинг устида менинг тилимда, Қўшиқлар куйлайди ҳаё - Ваганам... Ҳа, Ҳикоят опа каби оз, аммо самарали умр кечирган инсонлар ёди, улар ҳақдаги махзун қўшиқ бизнинг дилларимизда, ҳаёларимизда, умримизда яшайверади... Абдий яшайверади...

МУҚАДДАС ДАВЛАТОВА
Денов шаҳри

- Зулайхо опа, сиз Намангандан Тошкентга келин бўлиб тушгансиз. Тошкентлик қайнона онангиз актриса келинини қандай кутиб олди?

- Турмуш ўртоғим санъаткор бўлгани учун қайнонам менинг касбимга унчалик норози бўлмаганлар. Фақат қариндош-уруғлар даврасида, тўй-тўйчиқларда иштирок этолмаганимдан ўқинардилар.

ди. Йўқ, хато қилган эканман. Уйга борсам қайнонам исиб турсин, деб офтобга битта пақирда сув кўйиб кўйган экан. Ховлига кириб пақирдаги сувни бошимдан кўйди-му, мазза қилиб яна белимга келинлик фартугимни тўтиб, хизматга отландим. Ўзим қўлатган девор ўрнини тозалашга тушдим.

- Сиз оилада эркак бош бўли-

Оиламиз меҳмони

бўлиб қолади. Бир пайт куйиб-пишиб йиғлаб саҳнада фарёд кўтариб ўтирсам, олдинги қаторда ўтирган бир аёл юғриб келиб кўлимга битта елим халта тўқазди: "Қизим, гул сотиб олиш учун пулим етмай қолди. Бозордан манавиларни олгандим. Шу-

ҲАМИША АЗИЗ БЎЛИБ ҚОЛИНГ

Шунда мен: "Ойижон сизга дастурхон қилиб бергани вақтим етмайди. Майлими, тоғорангиз харажатини бозордан қилиб берсам",- дея кўнгилларига йўл топаман. Ҳозир ҳам қайнонам билан тўққизинчи қаватда тўрт хонали уйда бирга турамыз. Қайнонам билан ашаш менга ёқади. Чунки уларнинг уриш-ишлари ҳам беозор. Айб иш қилиб кўйсам роса койийдилар-да, бироз вақт ўтиб: «Зулайхо, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак»,- деб кетаверадилар. Қизимни ҳам қайнонаси бор хонадонга келин қилиб бераман. «Қайнонали келин қарқара келин, қайнона-сиз келин масҳара келин»,- деб бежиз айтишмаган...



Муқимий номидаги ўзбек Давлат муסיқали театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайхо БОЙХОНОВА билан суҳбат.

ларни сизга чин кўнгилдан берайман. Олмасангиз хафа бўламан",- деб қолди. Бир пайт онахонга қарасам, яланг оёқ саҳнада юрибди. Онахон оёғидаги қалишини ечиб олиб мазза қилиб ўтирган экан. Мен саҳнадаги девона Зулайхонинг образи томошабинга ҳам кўнганидан бошим кўкка етди. Спектаклдан сўнг ҳалиги халтачани очиб қарасам ичида бир боғ пиёз, редиска, ўсма, яна бир қанча кўкатлар бор экан. Уларни уйга олиб бориб болаларимнинг овқатига солиб бердим. Мазза қилиб ейишди.

- **Озми-кўпми ўз мухлис-ларингизга эгасиз. Лекин юлдуз даражасида эмас. Бунинг боиси нимада, деб ўйлайсиз?**

- Чунки оиламни барча нарсадан устун қўйдим. Ўз шаънини, оилам хотиржамлигини ўтқинчи хою-қавасларга алмашмадим. Сиз юлдузсиз. Қаерга борсангиз дастхат беринг деб юғуришса, кучоқ очиб кутиб олишса-ю, уйингиз-

ши керак, деб ўйлайсизми, ёки аёл?

- Аслида оилада эркак бош бўлиши керак.

- **Нима учун аслида деб гапираясиз?**

- Чунки эркакнинг айтгани бўлади деймиз-у, лекин уни тўғри йўлга солиб турувчи аёл киши. Аёл истаса эрига ҳайкал қўяди, истамаса тош каби майдалаб ташлайди. Бугунги кунда баъзи бир эркакларнинг ўз уринларини аёлларига бўшатиб беришадиганликлари мени ранжитаётти. Ҳурмат-лайди. Бунинг кунда баъзи бир эркаклар бу яхши эмас. Балки бироз омадингиз,чопмай тургандир. Арқонни ерга ташлаб қўймаг. Уни маҳкамрок ушланг.

- **Барча аёллар каби тилло тақинчоқларга қизиксангиз керак?**

- Камтарлик қўлаяпти,- деб ўйламан-гу, унчалик қизикмаман. Фақат баъзи бир давраларда тақуш шарт бўлгани учунгина такаман.

- **Сизга мухлислар кўпроқ гул совға қилишадими?**

- Ҳар доим ҳам гул беришади, деб айтолмайман. Баъзида бошқа нарсалар ҳам беришади. "Юсуф ва Зулайхо" спектакли кетаётган эди. Спектакл сўнггида Зулайхо Юсуф ишқиде қуявериб девона

га борсангиз сизни онам келди, деб муштоқ бўлиб кутиб олгучи "қора кўзларингиз", сизни ўз ҳимоясига олгучи меҳрибон кишингиз бўлмаса, бундан ҳам катта бахтсизлик бўлмас керак.

- **Овсинлар билан муносабатингиз қандай?**

- Мен оиламизда эркактой келинман десам, хато қилмайман. Чунки овсиним Муҳаббатхон жуда ҳам меҳрибон аёл. Фарзандларим дунёга келганидан шифохонадан чиққанымдан сўнг, уйга олиб бориб болаларимни парвариш қилишимда ёрдам берган. Тошкентдаги урф-одатларни ҳам овсинимдан ўрганганман. Биз дугоналар каби сирдошмиз.

Сўбатимиз шу ерга етганида Зулайхо опа билан хайрлашганимиз тўғри келди. Соат 6 га бонг урилиб навбатдаги спектакл бошлаётганини билдирувчи кўнгирак чалинди. Бузуи у Рустам Мадиевич "Тадбир" спектаклидаги Ойжамол образини ўз мухлис-ларига тақдим этди.

Опа билан хайрлашарканмиз, оила-аъзолари ҳамда мухлислари учун ҳамини азиз бўлиб қолишига тиллақ билдирдик.

Нигора Йўлдошева
суҳбатлашди

ОИЛА — МЕҲРУ МУҲАББАТ МАСКАНИ



30 йилдан бери шу даргоҳда ишляпман.

Ҳар куни эрталаб ишга шошиб келаман. Касбим бево-сита оила билан боғлиқ бўлгани учун ўзимнинг зим-мамдаги масъулиятни жуда катта эканлигини ҳис қиламан.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўн беш йил бирга турмуш қуриб, фарзанд кўрган бир оиланинг ажра-лиш судида шитирок этдим. Қарасам, сиз аъзолари эр-нинг ҳам, хотиннинг ҳам сўзларини яна қайта эшитиб осонгина ажратиб юбораяпти. Чидаб тура олмадим. Ўрнимдан туриб менга сўз беришларини сўрадим... Ажралишаётган эркакка қараб: "Хотинингиз тўн тики-ки рўзгор тебратса, зардўзлик қилса, яна шу ишлардан ортиб фарзандларингизга қараса, овқатингизни қилиб берса, сизга яна қандай хотин керак?",- дедим. Ҳаяжон аралаш яна нималар дедим, билмайман... Хуллас, бу оила сақлаб қолинди. Ҳозиргача бу эр-хотин ҳар сафар мени кўрганда мин-натдорчилик билдиришди. Бизнинг асосий вазифамиз никоҳни қайд этишигина эмас, унинг умрбоқийлигига ҳисса қўшиш.

Бир кунда биров никоҳга ўтиш аризасини, бошқаси фарзандликка олиши, яна ту-гилганлик тўғрисида, баъзан вафот этганлигини рас-миyllаштириш ишлари билан келишади...

Инсонларнинг дилига қулоқ солиб, уларнинг муаммола-рини баҳоли қудрат ҳал қилиб бериш вазифам! Да-стлаб фаолиятимни бошлаганимда: "Эплаб кетолмасам керак", деган фикрга ҳам борганман. Бироқ, йиллар менга касбимнинг чапу ўнги-ни, оғир-енгилини кўтариш малакасини берди.

Оила — меҳру маҳаббат, эъзозу ҳурмат, оқибат каби хусусиятларни ўзида жамла-ган мўъжазгина ватан. Унинг муқаддаслигини ҳис қилган ҳар бир киши ўз масъулиятини, бурчини чуқур англа-моғи керак. Баъзан мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган ёш йи-гит-қизлар, бир-бирига қариндош бўлиб, ота-она раъйини қайтаролмаган ёш-ларимиз келишса, мен аввал-ло уларнинг ота-оналари билан гаплашишни маъқул кўраман. Ахир бу умр савдо-си. Фарзандини уйлантириб, турмушга бермоқчи бўлган ота-оналарнинг ўзлари ёш эмаслар-ку?! Кейинги пайт-ларда ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам мустаҳ-кам оилаларнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти. Шунча йил-лик фаолиятимда бир нарсадан эътибор бердим. Биласиз-ми, уйда қариялари бор оилаларда ажралиш нисба-тан камроқ бўлади. Қариси бор уй фазйли, оқибатли бўлар экан-да.

Туманимизда 17 та шаҳар, 18 та қишлоқ фуқаролар йи-гини мавжуд. Уларнинг фаол ходимлари иштирокида ма-лҳаларда, чет қишлоқларда фуқаролар билан: "Сиз қиз сўраб борган эшик", "Оила дорилфунуни", "Балоғатга ет-май оила қуришинг салбий оқибатлари", "Пухта никоҳ бахт-саодат қалитидир", деган мавзуларда суҳбатлар, тадбирлар ўтказиб турамыз. Ишларимиз яхши самара бера-япти.

Тўрт фарзандим бор, улар-дан учтаси ва қўвим ўзим каби ҳуқуқшунос. Озодалик-ни, саришхта-саранжомликни хуш кўраман. "Чит бўлсин, бўз бўлсин — озода бўлсин", дей-ман доим.

Розия АБДУРАҲМОНОВА,
Денов тумани
ФХДЁ бўлими бошлиғи

БОЛАЛАР ПАРЛАМЕНТИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

30 сентябрдан 4 октябргача Ўзбекистон Болалар жамғар-масининг Болалар Парламен-тининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Маълумки, Бола-лар Парламенти БМТ

АХБОРОТ

бош Ассамблеясининг болаларга бағишлаб ўтказилган махсус сессияси-да ишлаб чиқилган - дунёни ўзгартиришда ёшларни фаол таътирокини таъминлаш йўналишларини назарда ту-тиб махсус дастури асосида ташкил этилган эди. Бугунги кунда ёш авлод ўртасида де-мократик гояларни жорий

этиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий ҳаётда ёшлар фаоллигини, уларнинг ҳуқуқий билимларини оши-риш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Болалар пар-ламентининг биринчи сессияси ўз депутатла-ри олдига бир қанча муҳим топшириқлар қўйган эди. Сес-сиянинг биринчи иш кунида депутатларнинг ана шу вазифаларни қандай бажарганлик-лари тўғрисида ҳисоботи тингланди. Шунингдек беш кунлик сессия иш кунида ёш депутатларнинг мутахассис

психологлар билан ўтказилган тренинглар, Олий Мажлисга ташрифи, Сайлов комиссияси билан учрашув, гиёҳвандлик ва СПИДга тааллуқли видеола-вчлар намойиши ва фильм му-ҳокамаси, халқаро сиёсий шарҳловчилар билан учрашув-лар депутатларда катта тассу-ротлар уйғотди. Узаро баҳс, мунозара ва фикрлашувлар билан кечган ҳар бир кун са-марали ва қизгин ўтди. Сес-сия якунида ёш депутатларга навбатдаги вазифа ва топши-риқлар берилди.

Хулқар ХОТАМБОЕВА

«Оила ва жамият»га обуна бўлганмиз...



**Доим хушдил, хушният,
Кимки обуна бўлса.
Нияти бўлур мурод,
Кимки унга дўст бўлса...**

СЕВГИМ МЕНИНГ АНДУҲИМ МЕНИНГ...

Ёшим 20 да. Мен ҳаётимдаги илк севгим ҳақида ёзмоқчиман. А исмли бир йигитни севаман. Агар ҳаммасини бошидан бошласам воқеа бундай бўлганди.

Бу йигитни ёшлигимдан танийман. Бир мактабда ўқиганмиз. Лекин унинг ёши сал каттароқ. У мени "синглим" деб қақирарди-ю, унинг синглиси бўлиб қолиш менга насиб этмади.

9-синфда ўқиб юрган пайтларим эди. Мен дугоналарим билан концертга борганимда А.ни кўрдим. У ичган, маст эди. Саломлашдик. Бир пайт менга: "Юр, мен сенга бир нарса кўрсатаман", деди. "Қаёққа?" - десам, айтмади. Кейин иккаламиз ўриндиқда гаплашиб ўтирдик. Унинг гаплари самимий бўлгани учун аввал ҳеч нарсадан хавотирланмадим. А. уйланди. Бир пайт мени кучоқламоқчи бўлди. Мен эса: "Нима қилаяпсан, эсинг жойидами?" - деб кетиб қолдим. Аввалига жуда хафа бўлдим. Лекин "Маст бўлганлиги учун шундай қилапти", - деб уйландим. Эртасига уни кўрдим. У ҳам одатдагидек саломлашди. Орадан кунлар ўтди. Мен уни кўргим келаварар, соғинар эдим. Кейинчалик уни севиб қолганимга ишондим. Лекин ўзимдан чўчирдим. Ахир ў уйланган бўлса... "Унутарман", деб ўйлардим. Бундай бўлмади. Бу менинг ҳаётимдаги илк муҳаббатим эди. Орадан 2 йил ўтди. Мактабни ҳам тугатдим. Биринчи йили ўқишга кирмадим. Бир кунни уйда ўтирсам телефон жиринглади. Гўшақни кўтарсам, А. экан. Аввал ҳайрон қолдим. Гаплашдик. Ўтган-кетганлардан хангома қилдик. Бир пайт менга: "Нимага кўринмай қолдинг, сени деб кунда бозорга бораман. Атайин сени кўриш учун", - деди. Мен эса ҳайрон қолдим. Кейин: "Эртага олдинга бораман, бозорга чик", - деди ва хайрлашди. (Онам бозорда савдо қилар, мен ҳам бўш вақтимда онамга ёрдамлашар эдим). Тўғриси айтсам мен унинг бу ҳаракатларига тушунамадим. Нима учун мени кўргиси келади? Ахир оиласи, битта фарзанди ҳам бор. У менинг севгимни билмасди. Чунки ҳеч кимга, ҳатто унга ҳам бу ҳақда оғиз очмаганман. Шу кундан бошлаб мен уни кўп учратадиган бўлдим. У ҳар кунни бозорга мени кўриш учун келарди. Яна бир нарсани пайқадимки, у мени йигитлардан қизганарди. Менга тикилиб тинмай қарайди-ю, лекин ҳеч нарса айтмайди. Уни унутолмасдим. Севги изҳор қилган йигитларга рад жавобини берадим. А.дан бошқа ҳеч ким кўзимга кўринмасди. Бир кунни у менга: "Бугун кечқурун бораман, гаплашиб ўтирамиз", - деди. "Йўқ", - дедим. Бир кунни менга шеър ёзиб келди. Шеър муҳаббат ҳақида экан. Ордан яна бир йил ўтди. У эса мени кутишдан чарчамасди. Бир кунни кўшнимизникида тўй бўлди. Тўйга у ҳам келибди. Ўша кунни у билан уришиб қолдим. "Менинг кўзимга кўринма, телефон қилма, сенинг оиланг бор ахир, энди сен билан ҳеч қачон гаплашмайман", - дедим ва кетиб қолдим. У билан анчагина гаплашмай юрдиму, лекин соғинардим. Лекин шундай қилишга мажбурман. Орадан кунлар ўтди. Мен ишга кирдим. У ҳар хил баҳоналар билан ишхонамга кела бошлади. Бир кунни ишхонамиздаги бир қизнинг тўйига бордим. У ҳам орқамдан борди ва уйга бирга қайтдик. Ўз-ўзимга тушунолмаи қолдим. Ахир унинг оиласи бор-ку! Бу саволларни ўзимга кўп мартаба бераяман. Жавоб тополмайман. У мени севади. Менга атаб шеърлар ёзади. Мен учун ҳамма нарсага тайёр. Унинг оиласини бузиш ниятим йўқ. Фақат севаман ҳоло. Бошқа йигитни севишни тасаввур ҳам қилолмайман. Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари ростми? Мен унга: "Бўлди, бу учрашувларни йиғиштир. Мени деб оилангнинг бузилишини хохламайман", - дедим. У эса: "Мен сени барибир унутолмайман. Бошқа йигит билан учрашсанг кейингина ҳаммасига чек қўяман", - деди. Бундай қилиш эса менинг қўлимдан келмайди. Ахир мен қиз боламан. У эса... А.нинг ҳам менга ёмон нияти умуман йўқ. Менинг бахтли бўлишимни хохлайди. Нима қилишимни ҳам билмайман. Бундан уйдагиларнинг хабар топишдан қўрқаман. Бунни ўйлаган сайин дилим андуҳга тушади. Маслаҳат бердинг, нима қилсам ҳаммаси яхши бўлади.

М.Т.

Навоий

Севгининг қандай кучли "юрак орғиги" эканлигини энди тушуниб етдим, яъни яқин дугонаминг қисматида кўриб...

Дугонамнинг исми Шаҳноза. У мактабда ўқиб юрган кезларидан бошлаб юрагига муҳаббат гунчалари куртак очаётган қиз эди. Лекин бу гунча очилмай ҳазон бўлди. Чунки баъзи бир ивгогар кишиларнинг гап-сўзларию, йигитнинг ота-онасини фақат кўзи пулдан бошқа нарсани кўрмаслиги, қулоғи пулдан бошқа сўзларни эшитмаслиги сабаб бўлди.

Ш. I-курс пайтида унаштирилди. Яъни А.нинг ҳам, Ш.нинг ҳам орзуи рўёбга чикди. Дунёда улардан бахтли инсон йўқ эди. Лекин бу кувонч узоққа чўзилмади. Нима эмишки, Ш.нинг "Тошқентда ўқиши, ўқиган қизларнинг албатта енгилтак бўлиши" сабаб эмиш. Ўша номаъқул гапларни тарқат-

тишдан олдин одамлар озроқ ўйлаб кўрмайдими? Ўзларининг ҳам синглиси, қизлари бордир, ахир. Наҳотки ўша кимсалар Оллоҳдан кўркмасе, шу гапларни гапириб виждони қийналмасе... Хуллас узунқулоқ гаплар сабаб,

Доимо қақнаб, қулиб турадиган қизнинг кўзларини энди чўқур мунг, маъносик ифодаси эгаллаган. Ш.да дарсларга ҳам қизиқиш қолмаган, нуқул бир нуқтага тикилиб хаёл суради. Унга таскин

ИЛМ ОЛИШ АЙБМИ?

тайинланган тўй бекор қилинди.

Ш.нинг изтиробларини кўриб юрагим ёзилди кетади. Унга қандай қилиб ёрдам беришни билмайман. У шу қадар тушунликка тушганки... Биладан Ш.нинг келажаги олдинда. Балки, унга А. бера олмаган бахтни, муҳаббатни бошқа бир инсон ҳада этар.

Лекин А. вақти келиб пушаймон бўлмасмикан? Халқимиз "Биринчи бахтим гул бахтим, иккинчи бахтим кул бахтим" - деб бежиз айтишмаган.

берувчи сўзларни айтсам, ўз холимага қўй дегандай гапларимга бефарқ қарайди.

Ҳурматли юртдошларим, менга маслаҳат беринг, қандай қилиб дугонамда яна ҳаётга қизиқишни уйғотай? Ш. хали ҳам А.ни севади. Наҳотки, А. ҳаётга шундай энгил қараса, муҳаббатни чидаганга чикқарган-ку!

ГУЛИ

Тошкент шаҳри

ЁЛГИЗ СИЗНИ СЕВАДИМ, БЕВАФО ЁРИМ



Ёшим 19да. 11-синфни битириб институтга ўқишга кирдим. Кунлардан бир кун биз талабаларни бир ташкилотга амалиётга юборишди. У ерда бир йигит билан танишдим.

ягона сирдошим ойижонимдирлар. Шу сабаб ҳамма гапни уларга айтдим. Бир кунни Зоҳид ака телефон орқали "зарур гапим бор", - деб учрашувга таклиф қилдилар.

Хушмуомала, қомати келишган, ақли у йигитнинг исми Зоҳид экан. Мендан 6 ёш катта эди. Аввалига иккаламиз дўст тутиндик. Кунлардан бир кунни Зоҳид ака мени севиб қолганини айтдилар. Мен ҳам Зоҳид акага нисбатан бефарқ эмас эдим. Шу сабаб дўстлигимиз оташин муҳаббатга айланиб кетди. Биз тез-тез учрашадиган, телефон орқали гаплашадиган, бир-биримизни кўрмасак, соғиниб қолардик. Менинг

Белгиланган жойга бордим. Қарасам, Зоҳид акам ўтирган экан. Кўринишидан жуда хомуш. Биз анча пайт у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик, сўнг секин гап бошладилар. "Лайло, сиз менинг ягона муҳаббатим, бахтисиз", унинг кўзларида ёш айланди. "Яқинда тўйим бўлади, ойим бошқа бир қиз билан мени унаштириб қўйишибди", - дедилар. Мен хайратдан қотиб қолдим... Зоҳиднинг ота-онаси мени севишини биларди. Лекин улар менга розилик беришмабди. Сабаби, "шаҳарлик қиз" бўлганим экан. Зоҳид ака қишлоқда турар эди. Ота-онаси эса уни қишлоқларидан бир қизга унаштириб қўйишибди. Уларнинг фикрича шаҳарлик қиз қишлоқда тура олмас экан. Мен эса ундай, деб ўйламайман, Зоҳид акам учун ҳамма нарсага рози эдим. Наҳот унинг ота-онаси ўғлини бахтли қиламан деб, бахтсиз қилаётганини билишмасе? Билмадим, Зоҳид ака бевафлик қилдиларми ёки ҳамма айбни, атайлаб ота-оналарига қўйдиларми? Нима қилишимни билмай қолдим, ахир Зоҳид акани талбаларча севаман. Уни унутолмайман. Азиз юртдошлар, менга маслаҳат беринг, нима қилай?

НОМАЪЛУМ ҚИЗ

Бухоро шаҳридан

«МЕНИ УНУТ!» ДЕДИНГ ЛЕКИН...

Мана бугун сизнинг тўйингиз. Сиз орзу қилган келин бугун оппоқ либосда хонадонингиз маликаси, қалбингиз эркасига айланади. Ўша кунни ёмғир ёғди. Улар гўё менинг кўз ёшларим эди. Умирининг маъносини, ҳаётим мазмунини экансиз. Бунни энди - сизни йўқотганимда билдим. Сизсиз яшаш... Бу даҳшатдан қўрқиб кетаялман. Наҳот юрак сизсиз яшашга кўнди? Ёшлигимда дугоналарим севги ҳақида кўйиниб гапирисам, мен улар устидан кулардим. Энди ўзим ҳаммага кулгуман. Бу ҳисга асир бўламан деб, сира ўйламагандим. Шоир айтганидек, менинг учқур отларга ҳавасим келади, чунки улар туёқларидан айрилган кун тўфон хиди келади буронларидан. Мени кушларга ҳавасим келади, улар жуфтларидан айрилган кун қафасларини бузиб учиб кетади. Мени кушлардек қанотим, отлардек журъatism йўқ-ку! Шу ғариб ҳолимга нега севдим, нега соғиниб шунчалар куйдим?... Агар мендан: "Инсон учун энг олий бахт нима?" - деб сўрасе "Севгиш", дер эдим. Яна мендан: "Бахтсизлик нима?" - деб сўрасе, "Бировнинг бахтига чанг солмоқ", - дер эдим. Мен ҳеч кимнинг бахтига чанг солмоқчи эмасман. Табиат яратган бу жисму жоним фақат сиз билан тириклигини яхши биладан. Дунёдаги жамики муқаддас нарсалар номига қасам ичиб айтманки, умрим охиригача юрагим тўридаги, қалбим тубидаги инсонга ҳаётимни остин-устин қилиб юборган нарсаям бу ёлғиз сизни севганим. Уриб турган юрагим, босиб бораётган оёқларим, тутиб турган қўлларим ҳаққи, мен сизни мусаффо тонлардан, мовий осмондан, бетиним зилло сувлардан келишингизни сўрайвераман. Қоронгу тушишдан қўрқаман, чунки кечалари нола қилиб кўк термулиб энг ёруғ

юлдуздан сизни сўрайман. Барибир кўзимга уйқу келмайди. Магнитофонни қўйиб ўша сиз билган, сиз севган қўшиқни тинглайман:

Мени унут дединг, тилда лекин дилингда, Бир олам дард исён қилар, исён дилингда. Унутмоққа чоғландим ҳўп сенинг амрингла, Амринг бажо қилолмадим гуноҳ қалбимда. Қандоқ қилай жоним сени унутолмасман, Сенисз яшамоққа асло чидаёлмасман. Тарки дунё айлаб ҳамки наҳот топмадим, Не-не санамларни кучдим маъно топмадим. Хануз ўша маънос кўзлар боқар олисдан, Ул кўзларни дийдорига илож топмадим. Қандоқ қилай жоним сени унутолмасман, Сенисз яшамоққа асло чидаёлмасман. Ўйлаб-ўйлаб охир топдим мен наҳот йўлини, Унутмоқни чораси бир ул ҳамки ўлим. Йўқса бир умр азобга дош беролмас кўнглим, Бу йўлга сенинг бахтингни деб отландим гулим. Қандоқ қилай жоним сени унутолмасман, Сенисз яшамоққа асло чидаёлмасман.

Қўшиқни қайта-қайта тинглаб яна хаёлар оғушида қоламан. Хаёлпараст бўлиб қолганимга ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Майли қаерда бўлсангиз ҳам, ким билан яшасангиз ҳам фақат соғ бўлинг. Сизни бахтингиз, тинчлигингиз учун ҳамма нарсага тайёрман. Оллоҳ сизга шириндан-шаклар фарзандлар ата этсин. Яратгандан ўзимга тоқатлар тилаб, йўлингизга интизор бўлиб яшайман.

Бахти қаро, сўрпешона

МАФТУНА

ФОТИХАНИ БУЗИШ ГУНОҲ ҲИСОБЛанаДИ

«Туйим яқин, лекин...»—15-сон

сандлик билан қалбидан итарибсиз. Шундай олийжаноб, сизни қадрловчи, сизни жон-дилдан ортиқ кўрадиган, севадиган йиғит севги изҳор қилсаю, сиз итариб юборсангиз. Бу яна қандай килиқ? Нега кериласиз, ноз қиласиз? Нимага? Хуснингизга ёки чиройингизгами? Нима сиз осмондаги ой эдингизми? Осмондаги ойда ҳам доғ бор синглим. Керилиш ҳам, нозланиш ҳам эви билан-да. Яна дил изҳорингизда «ҳарбийга турмушга чиқмоқчиман» дебсиз. Бу гап менга қаттиқ ботди. Нима, ҳарбийлар йиғит-у, оддийлар йиғит эмасми? Ҳарбийлар қилган ишни оддийлар қила олмайдими?

СОҲИБА

Йўқ, ундай эмас? Бахтли ҳаёт кечириб ҳар қимнинг

ўзига боғлиқ. Бунга амалнинг, касбнинг ҳеч алоқаси йўқ. Агар моддий томонни кўзлаётган бўлсангиз, билмадим. Энг муҳими одам маънан бой бўлиши керак. Маънавий бойлик орқали мол-дунё орттириш мумкин, моддий бойлик орқали маънавий бойлик орттириб бўлмайди. Менинг бир маслаҳатим бор. Севгингиздан воз кечиб, ҳарбийга турмушга чиқинг. Фиш қолипдан кўчибди. Энди жойига қўйиб бўлмайди. Бизнинг азалий удумимизда фотиҳа улуг ҳисобланади. Фотиҳани бузиш гуноҳ ҳисобланади. Ва отангиз ранжийдилар. Ҳарбий йиғит отасидан айрилиб эзилган экан, энди сизнинг зарбангизга дош бериши қийин.

Севгини унутиш мумкин, лекин ота-онани ранжитиб бўлмайди. Сиз фотиҳани буздирсангиз нотўғри бўлади. Яхшиши олдин унга нисбатан қандай муомалада бўлган бўлсангиз, шундайлигича қолинг. Турмушга чиқибдан бошқа иложингиз йўқ. Хуршидни эсдан чиқаринг. Энди бу ёғи ёзилган тақдирингизга ва ўзингизга боғлиқ.

Х. ОТАЖОНОВ



Яратган Эгам ҳар бир бандасининг бошига бахт қушини уч марта қўндирар экан. Агар шу учаласида ҳам ушлаб қололмаган банд, бир умр бахтсиз ҳаёт кечирар экан.

Шулар қатори Оллоҳ сизга севилиш бахтини юборибди. Сиз эса белисанглигингиз, ўжарлигингиз, мағрурлигингиз билан бахт қушини учириб юборибсиз.

Дил изҳорингизни ўқиб ҳайрон қолдим. Севилиш бахти насиб этса-ю, бели-

ФАРЗАНД ҲАМ СУЯНЧИК

«Яхшиямки яхшилар бор»—31-сон

занд кўрмадим, деб асло ташвиш тортма. Бундай тақдир баъзи аёлларнинг бошида бўлгани каби сенинг ҳам бошингда бор экан. Ҳамма аёллар ҳам фарзанд кўрсам, боқиб катта қилсам, деган орзу-ҳавас билан яшайди.

Энди сенга айтадиган баъзи маслаҳатларим бор. Кун ўтиб кетаярми. «Уйда ёлғиз яшашдан ёмонроқ йўқ экан, бу фаний дунёда. Бефарзандлик ундан-да ёмон экан. Икки хонали уйда ёлғиз яшашни тасаввур қилиб кўргина, жуда даҳшат эмасми?» деб ёзибсиз. Юрак санғиғи, юрак сиқилиши каби касалликлари пайдо бўлиши ҳам ана шундан. Ёлғизликдан кутулишни чораси борми, деган ҳақли савол туғилади. Улимдан бошқасига чора бор. Уилаган имкон топар.

Ёлғизлик балосидан кутулишнинг бирдан бир чораси фарзанд асраб олишдир. Бу муаммони ечишда энг яқин кишилар - она-жонинг, жигарларинг билан маслаҳат қилиб кўр. «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган гап бор. Маслаҳат билан қилинган ишининг тағи мустаҳкам бўлади. Даврининг бўрони, шамолига дош бера олади.

Фарзанд асраб олсанг, уни меҳр билан боқиб катта қил. Сенинг меҳринг фарзанднинг қалбига, фарзанднинг меҳри сенинг қал-

бинга сингиб боради. Ана шунда меҳрибон она, меҳрибон фарзанд деган мўтабар сўзлар эл оғзига тушади. Ҳар қандай куч ҳам онани боладан, болани онадан ажрата олмайд. Чунки ўртада меҳр бор.

Фарзанд асраб олсанг, уни эътибор билан ўз фарзандингдек боқиб катта қил. Ёшига ёш қўшилиб боғчага борса, сен уни боғчадан олиб келишга борганинда «она-жон» деб олдинга ўзи чопиб келади. Ана шунда бутун ташвишларинг унутилиб кетса ажабмас. «Кел, болажоним» дейсан ва бағринга босасан. «Тушкулликка тушса одам муҳаббатига, ёрига, дўстига сунянади», дебсан. Фарзанд ҳам инсонга сунячиқ. Мабо-до одам касал бўлиб қолса, «мана бу иссиқ чойни ичиб олин», дейдиган ҳам фарзанд. Ҳа, фарзанд фазилатларини айтган билан адо-нига етиб бўлмайди. Бола билан уй обод. Унинг йиғиси ҳам, қулгусини ҳам эшитиш аёл учун катта бахт. «Болали уй бозор...» деган галлар бор-ку. Бир кун келиб бу фаний дунёни тарк этаётганда ҳам, «онажоним» дейдиган ҳам фарзанд аёл учун.

Синглим, фарзанд асраб олсанг ҳеч қачон адашмайсан, тўри йўл тутган бўласан. Ахир, фарзанд келажак мевақисидир.

Юнус ТОЛИПОВ
Тошкент шаҳри

ЎТКИНЧИ ОРЗУ-ҲАВАСДАН ТИЙИЛИНГ

«Оиласи бузилишини истамасдим»—38-сон

ЭСЛАТМА: 16 ёшида Э. исмли йиғит билан севишдик. Кейин билсам унинг оиласи бор экан. Мен унинг оиласи бузилишини истамай бошқа йиғитга турмушга чиқдим. Аммо турмушимиз бузилди. Биз Э. билан яна учрашиб юрбимиз. Унинг иккита фарзанди бор. У хотинига мени севишини айтиб, уни азоблар экан. Бизнинг ишимиз тўғрими?..

Д.

Ёшим 16да. Гарчи сиз билан тенгдош бўлмасак-да, сизга ўз маслаҳатларимни беришга қарор қилдим. Д. опа сиз ортиқ ҳақсизларга берилиб кетгансиз. Э. Сизни севавкан, сиз ҳам уни севайсиз. Балки унинг севгиси ўткинчи ҳавасдир. Ҳозирги кунда, бунақанги воқеаларга кўп гувоҳ бўла-

яймиз. Қанчалик ортиқча ҳис-туғйига берилиб, баъзи бир йиғитлар кўнгли пок қизларни алдашяпти. Э. ҳам сиз билан, ҳам хотини билан яшаяпти. Бу билан сиз ўзингизни бахтлиман деб ҳисоблайсизми? Афсуски йўқ. Чунки Э.ни оиласи билан ажралишини истамасиз. Худди дарактага ўхшаб оила илди-

зи ҳам мустаҳкамдир. Оила - муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Бу муқаддас даргоҳнинг илди-зи қайта томир отиши мушкуллашади. Агар Э. Сиз билан учрашаверса, бир кунмас бир кун оиласига дарз кетяди. Гулдек, бегубор, бегуноҳ болалар ота меҳридан бенабис бўладилар. Ота дийдорига тўялмайдилар. Бу бахтдан фарзандларни бенабис қилсангиз, Оллоҳга ҳам , бандасига ҳам аямасиз.

Бу ўткинчи дунёда не-не ишлар бўлмайди. Бу орзу-ҳаваслардан бирмунча тийилиб, тўғриси Э.га тушунтиринг.

Муниса ФОЗИЛОВА
Қашқадарё вилояти
Фўзур тумани

ЭСЛАТМА: Она билан дадам турмуш қурганларига 23 йил тўлганда ажрашиб кетишди. Бунга онамнинг ёшлигидаги биринчи муҳаббатига абаб бўлди. «Онасини кўриб қизини ол»,- дейдилар. Менинг тақдирим энди нима бўлади? Қарикиз бўлиб қолишни истамайман. Айтинг, нима қилай? ХУШРҮЙ



СЕН БАХТИНГИНИ ТОПАСАН

Хушрўй қизим, қўявергин, ҳар қим қилганига яраша худодан топсин! Бировга қилинган зарарча ёмонликни ҳам, яхшиликни ҳам эрта бир кун қайтиши бор. Онанг сизларга ёмонлик қилибдими, ўзи билади. Фақат сен ўкинма. Ҳамма вақт яхши, аъло ҳуқли, одобли бўлишга ҳаракат қил. «Онасини кўриб, қизини ол»,- деганларига мен ҳам унчалик қўшилмайман. Чунки кўп бор шу мақолнинг тескарисини учратманман. Сен яхши қиз бўлсанг, дадажонингга қарасанг, сингилларингга бош бўлсанг имоним қомил, сени энг яхши йиғитга учраштиради Худойим. Йиғитларга ҳам айтар сўзим бор. Сизлар йиғитсизлар! Бетутуруқ, ишёқмас, сўзи билан ишини тайини йўқ бўлманг! Хушрўйдек бошидан иссиқ-совуқ ўтган, онаси бошини эгиб кетган қизларга тиргак бўлинг, кўнглини кўтаринг, ҳамдард бўлинг.

Хушрўй қизим, онангни кўрсатган томошасини нима деб айтишни ҳам билмайди одам. Наҳотки, 4 фарзандини ташлаб, 23 йиллик оиласини бузиб, 18 ёшида се-

«Онасини кўриб қизини ол, деганлари тўғрими»—3-сон

ган ўша одами билан бахтли бўламан деб ўйлаган бўлса! Билиб қўй қизим, онанг ҳеч қачон бахтини тополмайди. Бир умр хор бўлиб, изларингга зор бўлиб ўтади. Ахир ўша эркакка ётиги билан тушунтирса, ақлини ишлатса бўларди-ку!

Азиз қизим Хушрўй! Сенга сиҳат - саломатлик, мустаҳкам ирода тилайман. Яратган Эгам сенга бахт берсин. Энг яхши, дилбар, барно йиғит сенга бир умрлик вафодор ёр бўлсин! Сен ва сингилларинг албатта бахтли бўлиб кетасизлар. Мен ҳам худодан сенинг бахтингни тилайман.

Саломат МАМАТҚУЛОВА
Сармақанд

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГИ!

«Уни севиб хато қилдимми?»—38-сон

ЭСЛАТМА: 25-ёшимда сеvgи дардига мубтало бўлдим. 6 ойдан бери бир йиғитни кузатаман. Балки унинг оиласи, ширин-шакар болалари бордир. Севгимни ошкор қилолмаганимни боиси ҳам шунда. Уни севиб гуноҳ қилдимми-кан? Наҳотки уримда илк бора севиб қолсам сеvgимга эриша оламасам?.. АСАЛОЙ

даволаган бир нотаниш йиғитни ширинсузлиги учун севиб қолиб, унинг йўлини пойлаганингиз, орқасидан юриб умидвор бўлганингиз қизик.

Ўзингиз ва қалб изтиробларингиз тўғрисида: Мен шу қадар қаттиқ севиб қоламан, деб ўйламаганим.

Уша йиғитнинг: «Оиласи борми-йўқми менга қоронгу. Сўрашга ҳам ботина олмайман. Балки ишдан келишни интизорлик билан кутгучи суоқли ёри-ю, ширин-шакар фарзандлари бордир? Севгимни изҳор эта олмаслигимнинг сабаби ҳам худди ана шунда»,-дея зорланибсиз.

Ахир: «Холва деган билан оғиз чучимайди-ку!» Қиз бола биринчи бўлиб сеvgи изҳор қилиши бизнинг ўзбекчилик удумимизга тамоман ёт-ку! Ёш қизча эмассиз, юрагингизни телбаларча давватига бўйин эгиб, ақли ишга солмаганингизга ачинади киши!

Сиз унутмангки, умр инсонга бир мартагина берилади, уни эҳтиёткорлик билан ўтказишга интилган кимса бахтга кўмилиб яшайди, ҳеч қачон дашном емайди. Магистратурани битирганингизча сизга умрини нисор қиладиган йиғити учраса ажаб эмас, Оллоҳдан шуни сўранг, фақат билиб-билмай биринчи бўлиб муҳаббат изҳор этишдан уялинг. Сизга бахт тилаб қолувчи

Афифа ҲАСАН қизи



Ҳурматли НОРТОЖИ она!

Сизни 50 ёшингиз билан табриқлаймиз. Сизга ва оилангизга Оллоҳдан узоқ умр, бахту саодат, соғлиқ тилаймиз.

Тўлқин ака билан қўша қариб, болаларингизнинг камолини кўриш сизларга насиб этсин.

Сизга ҳурмат билан Ёқубовлар оиласи



Ҳурматли Дилбар ТОШҲУЛАТОВА!

8 - ноябр - туғилган кунингиз билан чин юракдан табриқлайман. Соғсаломат бўлинг. Умрингиз шодлик ва бахт-қувончга тўлиқ бўлсин. Абдумалик ака билан қўша қариб, ўйлаган ниятларингизга етиб, фарзандларингиз камолини кўриб юринг. Саҳоватли, ўта масъулятли касбингизда ишлаб, ёш-қарининг дуосини олиб юринг. Омад сизга ёр бўлсин.

Синглингиз ФОВСИЯ

"ОИЛА-26"

Тошкент шаҳрида яшовчи, тижорат билан шуғулланувчи, ўз шахсий уй-жойига эга бўлган, моддий таъминоти яхши, уйланиб ажрашган, (озроқ тугилиб гапирди) лекин фарзандсиз 30 ёшдаги йигит, уйим-жойим дейдиган, ақлли-хушли турмушга чиқиб ажрашган, (озроқ нуқсон бўлса ҳам майли) 30 ёшгача бўлган аёл ёки, қиз билан оила қуришни истайди.

"ОИЛА-27"

Бухоро вилоятида туғилган, айни кунларда Тошкент шаҳрида яшовчи, ҳамда ҳисобчи бўлиб ишловчи, келишган, ўрта бўйли, уйланиб ажрашган 27 ёшли эркак, 22 - 26 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган Тошкент шаҳри ёки, Тошкент вилоятида яшовчи оқила, ақлли-хушли қиз билан оила қуришни истайди.


ОСМОН БЎЙЛАБ УЧИНГ, ДЎСТЛАРИМ

Бундан бир неча вақт аввал бир туш кўрдим. Теварак-атроф, одамлар, ҳамма нарса жой-жойида. Ҳамма ўз иши билан банд. Ҳаёт ҳар қунигиде давом этмоқда. Ёлғиз менгина ўзим ҳам англаб етмаган бир ҳолатда осмонда учиб юрибман. Ердан атиги 4-5 метр баландликда ўзимни кундек ҳис қилиб учиб бораяпман. Қўлларимни ёйиб қуш қаңотлари каби кўлларимни ҳаракатлантираман. Ҳеч қим менга ажабланиб ҳам қарамайди, "ҳой, нима қилиб учиб юрибсан", - деб қизиқмайди ҳам. Мен эса учишда давом этавераман. Гоҳо кўлларим оғирлашиб ҳаракатли су-

саъди, бироз қийналиб учишда давом этаман. Чексиз осмон тубида учавераман-учавераман. Осмон эмас, тушим поёнига етиб қолади. Уйғонган руҳимда бир енгиллик ҳис қилдим. Дастурхон устида тушимни онамга айтдим. Улар: "Учганинг яхши бўлам, демак, орзуларинг ушалиб мартабани кўтарилар экан", дедилар. Ҳақиқатан ҳам вақтлар ўтиб ўзим орзу қилгандек сеvimли ёр ва сеvimли касбга эга бўлдим.

Тушда учмоқлик - орзу, ниятга эришмоқлик экан. Сизларга ҳам: "Учинг дўстларим, осмон бўйлаб учинг", деб қолам.

О. ЭРГАШЕВА



ОТ СЕЗГИР БЎЛАРКАМ...

Биз илгарти яшаган Турк қишлоғида бир миروب бор эди. У эрта баҳордан то кеч кузакча дала юмушлари билан овора, айниқса гўзаларга сув тараб вақтида тунгача дала бошида қолиб кетарди. Шу одам бир кун ниҳолларга сув тараб, тун ярмидан ошганини сезмай қолибди. Ишини тугатган, отига миниб уйига йўл олибди. Катта кўприкдан ўтган, йўл ўртасида олов ёқиб ўтирган кишиларни кўриб хайрон бўлибди. "Лулилар бўлса керак, улар доим олов ёқиб кўнгилларини чоғ қилиб юришади", дебдию, ўша томонга бораверибди. Оти эса ҳурқиб, нуқул орқага тисланармиш. "Чу, жонивор, сенга нима бўлди?" деб миروب отини шунақа қамчилабдики, от бечора угуриб кетибди. Лекин ҳалига олов ёнидагилардан бири от олдини тўсиб чиқибди, сўнг "Кел, биз билан базм қил", дебди. Миروب қара-

са, олов ёнидагиларнинг кўпчилиги аёллар, болалар ҳам бор эмиш. "Э, мен уйимга кетаяпман, базм қилишга вақтим йўқ!" дебдию миروب отига қамчи урибди. Бироқ, олов шундоққина отнинг тушмуши тағида пайдо бўлибди, от кишанб юборибдию сўнг оловни ёриб илгарига чопибди. Миروب отдан учиб тушибди...

Тонгга яқин уй соҳибаси дарвоза олдида бош эгиб турган отни кўриб ажабланибди.

Сўнг кўшиларини уйғотибди. "Болаларимнинг отасига нимадир бўлганга ўхшайди", дебди. Ҳаммалари отни етаклаб, дала томон боришибди ва тупроққа беланиб хушсиз ётган кишини кўришибди. У хушига келса-да, гапиролмабди, ҳатто оёқ-қўллари яхши ишламасади. Узоқ муолажалардан сўнг миروب сўзлайдиган бўлибди. Нуқул "Отим сезгир экан, мен унга қулук тутмадим", - дер экан. Миروب кўп йиллар умргузаронлик қилди, лекин соғлиги жойида бўлса-да, оёқ-қўллари шоллигича қолди...
Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА

АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ТҶИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Юртимизда тўйлар жуда чиройли ўтади. Мен бошқа мамлакатларда тўйлар қандай бўлишини билишни хоҳлардим. Мисалан, "сеҳри дийр" — Америкада бу тантана қандай ўтади?

Сабоҳат ТОЛИБОВА

Анджон вилояти, Шахрихон тумани

Америкада ҳам оила қуришининг ўз қоидалари, урф-одатлари бор. Қиз билан йигит турмуш қуришларидан аввал, бир-бирларини севишлари шарт, улар узоқ муддат бир-бирларини синашади (5-6 йил). Агар улар никоҳдан ўтишни хоҳлашса, биринчи бўлиб йигит буни қизга ошқорга қилади. Бир неча кун ўтган, қиздан кўлини сўрайди, у рози бўлса, ота-онасидан сўрайди. Улар рози бўлган, йигит сеvgини исботлаб, қизга олмос узук совға қилади. Уларни унаштиришган, тўйга тайёргарчилик (6-12 ой) давом этади.

Тўйда қиз ўзига гувоҳ танлайди, гувоҳ ўзининг яқин дўсти ёки синглиси бўлиши шарт. Тўйда "Гул қизлар" ҳам бўлади (8-12 ёш). Қизлар келин-куёв гулдек очилиб юрсин, деган мақсадда уларнинг устида анвойи гуллар сочишади.

Куёв ҳам ўзига гувоҳ тариксида энг яқин ўртоғини ёки укасини танлайди. Улар никоҳдан черковга ўтишади. Қизни отаси олиб борса, йигитни ҳам отаси олиб боради. Никоҳ ўтказилгандан сўнг, улар ўз яқинлари, қариндошлари, дўстлари билан кичкина кеча ўтказишади.

Кечада биринчи бўлиб, келин-куёв рақсга тушиб, тортни кесиб ҳаммага улашишади. Бу ҳаммага бизнинг ширин ҳаётимиз насиб этсин, дегани. Тўйга пулни кувёнинг ўзи ишлаб топиши шарт.

Тўй ўтгандан кейин улар "Асал" оийи қилишади, ўзлари ёқтирган давлатга саёхатга чиқишади

ТУҲМАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Маҳаллада ҳеч кимсага озори тегмаган, ёши олтимышларга яқинлашиб қолган бир киши бор эди. У ҳалол меҳнати туфайли жўбабдирдай оиласини зўрга тегбратарди. Кунлардан бир кун у қоровуллик қиладиган ишонаддан телевизор ўғирланди. Раҳбар бош гумондор деб қоровулни кўрсатди. Турли хил таъқиқлар қуруқ тухматни кўтара олмаган қоровул ўз жонига қасд қилиб, ўзини осиб қўйди. Орадан бир неча кун ўтиб ўғри топилди. Ўғри мутлақо беғона киши бўлиб чиқди. Ноурин гумон ва шахсиятга тегувчи қуруқ тухмат бе-

"Оила ва жамият" ўғитномаси

гуноҳнинг умрига зомин бўлди.

Назам:

Ҳар нарсанинг ўз фурсати, мавриди бор, Ноуринлик ҳеч қаерда бермагай қор. Дейдиларки: соғ одамга қўрма раво, Бемор учун саналсада малҳам, даво. Ўзинг асра Эгам тухмат балосидан, Балоларнинг ичиди энг қаросидан. Тухмат - олов, ўчирмоққа йўқдир йўрик, Баб-баробар ёнаверар хўлу-қуруқ.

Жаҳонгир ФОЗИЛ

Юнусобод ҳокимияти томонидан Даминов Алишер Абдурашидович номига савдо қилиш ҳуқуқини берувчи 2002 йил 5 сентябрда берилган 1015500 — рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ДИЛОРОМ" ўқув маркази куйидаги курсларга таклиф қилади:

- 2 ойлик:** - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни роллаш ва модернизациялаш; - Замоновий бухгалтерия ҳисоби; - Замоновий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).
- 3 ойлик:** - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бинош, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзилимиз: Абдулла Кодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг "Алишер Навоий" бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ГОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ 10 ёшдан ошган УГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРИНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Бўйрак, қовуқ, простата беzi касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, ақшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатидагача борилади. Телефон: 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги ўқув курсларини ташкил этди:

- 2 ойлик:** - Бичиш-тикиш (тезор гуруҳ). - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. - Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. - Массаж, (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. - Оқшом либосларини бешаш, бир ойга - 4000 сўм. - Машинада гул тикиш, (вишивка) бир ойга - 4000 сўм. - Косметология, бир ойга - 5000 сўм.
- 3 ойлик:** - Зардўзлик, (Бухороча) бир ойга - 4000 сўм. - Кўрпа-қўрпача тўн ва бешик асбобларини тикиш - 4000 сўм. - Инглиз тили, бир ойга - 4000 сўм.
- 4 ойлик:** - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун). - Сартарошлик. - Бичиш-тикиш (бурда моден бўйича).

Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

1. Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.

Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати.

2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл 2-тор кўча Қора сув маҳалла идораси, мўлжал Рисийвий бозор, «Узямасомол-торг». Тел: 191-78-02.

3. Манзил: Қора-Камиш даҳаси 2/3 31-уй, 56-хонадан. Тел: 29-28-58.

"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" ўқув маркази таклиф қилади.

- 3 ойлик курслар:** - Инглиз тили. - Инглиз тили ва компьютер. - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари. - Банк иши ва компьютер билимлари. - Теле-радио-видео аппаратларини таъмирлаш устаси. - Рус тили. - Компьютерларни таъмирлаш устаси.
- 2 ойлик курслар:** - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL. - Бухгалтерия ҳисоби. - Енгил автомобилларнинг электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — 1 ойлик. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

"ЎКТАМХОН" ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар кунда, ҳар ойда қабул қилинади)

- 1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.
- Бундан сиз 100 дан ортиқ замоновий либослар, костюм-шарп, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Компьютер сабоқлари - 2 ой (якка тартибда), (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint) - 3. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиб, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади; 4-Қаштачилик — 3 ой, машинада тикиш — 3 ой;
- 5. Зардўзлик (бухороча) — 3 ой;
- 6. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой;
- 7. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.
- 8. Торт ва турли хил пишиқлар - 2 ой.
- 9. Инглиз тили - 3 ой;
- 9. Парда ва гакриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқишни тугатгандан сўнг диплом берилади. Лиц: № 587

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-маърае, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ

замоновий касб-ҳунар курсларига таклиф этади: КОМПЬЮТЕР САВОДХОНИК КУРСЛАРИ: WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, HC-2 ой. 2-ОЙЛИК

- Бухгалтерия ҳисоби
- Аёллар костюм-пальтоси
- Косметология
- Массаж
- Эркаклар костюм-пальтоси
- Маникюр ва педикюр - 1 ой
- Фармацевт - 4 ой.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари - 4 ой.
- Акушерлик - 6 ой.
- Ҳамширалик
- Аудио, видео қурилмаларини тугатиш устаси
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Машгулотлар салоҳида ўтказилади)
- Бичиш-тикиш (замоновий моделлаштириш)
- Парда, пақривал (замоновий Элита усулида).
- Торт ва салат (оддий ва олий курси)

ДИҚҚАТ! Фирмада замоновий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-куёв либослари ижарага берилади.

Ҳар бир курснинг тезор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзилимиз: "Халқлар Дўстлиги" метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

"ЗУККО" фирмаси ўқув маркази Сизларни замоновий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

- 1 ойлик:** - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм; Компьютерлик - 10 000 сўм (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint)
- 2 ойлик:** - Вишивка - 5000 сўм. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм. - Энг замоновий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.
- 1-Манзил:** Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: "Зукко" фирмасининг ўқув маркази. "Адиас" дўкони ёнида. Тел: 42-36-71
- 3 ойлик:** - Бичиш-тикиш. Бир ойга 5000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио устаси. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқиниш битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Виллоятдан келганлар ётқоҳна билан таъминланади. Фирма сифатли ўқишга қарор берилади. Ҳамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозғистон» кинотеатри биноси ичиди. Тел: 35-10-36

Хануз болалик йилларимни хумор қилиб хотирлайман. Биз кўп фарзандли оилада воёга етганмиз. Онам "Қаҳрамон она" эдилар. Отам колхозда пахтачилик бригадасига бошчилик қилардилар. Қишлоқ шароити. Биз жуда эрта турардик. Онам раҳматли доим бизга "Қуёшдан олдин уйғонинглар. Йўқса фаршталар кетиб қолади", дер эдилар. Биз хайрон бўлиб, "Қанақа фаршта, оий? Биз уларни ҳеч кўрмаймизку", деб эътироз билдирардик. Онам эса кулиб "Улар кўринмас-да ҳаммиша сиз билан", деб кўярдилар. Кейин эрта туриш хосияти, барвақт бошланган ишнинг унумли бўлиши тўғрисида сўзлардилар.

Биз бу гапларнинг маъносига унчалик тушунмасак-да, барвақт турса яхши бўларкан, деб шунга амал қилардик. Тонг ғира-ширасида туриб, нонушта қилгач ким мактабга, ким далага отланарди. Опаларим эрталаб, мен пешинда ўқишга борардик. Шу боис, сигир-бузоққа қараш, уй-юмуш ишлари галма-гал бажариларди. Далага ҳам вақтимизга қараб чиқардик. Бир сўз билан айтганда, болаликдан иш билан таъминланган бўлсакда бахтиёр эдик. Дарс тайёрлашга, китоб ўқишга ҳам вақт топардик.

Ана шу кувончли кунларим эндигина 9-синфни битирган чоғимда мени отамнинг амакиваччасига турмушга бериб юборишди. Одатда бундай ҳолда ёш келинчақ турмуш ўртоғига кўникиб кетади. Яхши кўриб тегмаган бўлсада эрига кўнгил қўяди, дейишди. Балки шундай-дир. Бироқ менда бундай бўлмади. Сабабини аниқ билмадим, балки ёшлигим сабаблидир, ҳар ҳолда келинлигимнинг дастлабки куниданоқ эримга кўнгил қўяолмадим.

Оиламизда ўн фарзанд эдик. Болаликдан, то катта опаларим турмушга чиқиб кетгунга қадар бир дастурхон атрофида овқатланиш, гурунқ қилишга одатланиб қолгандик. Ота-онамиз ҳам доим давра бошида бўлишарди. Янги уйимда эса бунинг аксига дуч келдим. Хар ким чекка-чеккада корин тўйдирар, улар орасида бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳам сезилмасди. Қайнонам меҳрибон бўлсалар-да, қайнотам хар кун уйга маст ҳолда бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, кўзига кўринган кишини тиркираб қувлаб юрарди. Оиланинг муҳити таъсири бўлса керак, қайсингилларим ҳам илжи борича менга "ширин" гапиршишга, ўрни келди, дегунча "чимдиб олишга" ҳаракат қилишарди. Табиийки, бундай ҳолларда мен ҳам муносиб жавоб қайтаришдан ўзини тийиб тура олмасдим. Бу албатта, орамизга совуқчилик тушишига сабаб бўларди. Мендан тўрт ёш катта бўлган эрим бундай ҳолга ўзини жуда бепарво тутар, унинг учун менинг бор-йўқлигимнинг ҳеч аҳамияти йўқ эди, чамаси. Хуллас, умрнинг лаззати бўлмиш келинлик даврим қандай ўтиб кетганини ҳам эслаб олмаман.

Ҳамон эдимда. Бир кун қайнонам иккимиз ховли этагидида молхонага - парваришланаётган ипак куртига барг ташлаш учун кетаётган эдик. (Катта ховлида қоронғуда бир ўзим юришга кўрқардим). Шу пайт оркамиздан кесак отқала бошлади. Мен ўгирилиб қарамоқчи бўлгандим, қайнонам дарров тўхтатдилар. "Асло қарама, - дедилар шошиб. - Бу қайнотанг. Қарасанг балого қоламиз". Бу қайнотамнинг навбатдаги хурмача қилиқларидан бири эканлигини сезгач, қайнонамга қарата, "Ойи, барглари тезроқ олиб беринг", - дедим баланд овозда ва олдинга ўтиб кетишга уриндим. Бироқ ҳеч қанча вақт ўтмай елкамга тушган кўл қаттиқ сика бошлади. Угирилиб қарадим кўрқанимдан кичкириб юбордим. Чунки, кайфда аста чайқалиб турган қайнотамнинг иккинчи қўлида болта кўтарилган эди. Қайнонам ҳам кўрқудан бир зум қотиб қолдилар. Лекин тезда ўзларини тўтиб олиб, қайнотамнинг бўйнига осилдилар. Қайнотам мени қаттиқ силтаб юборди. Мен чеккада турган темир печанинг қиррасига бориб уридим. Кўчли зарбдан қанширам ва мангалайм ёрилиб, қон оқа бошлади. Хушимга келганимда қайнотам қайнонамнинг узун сочини қўлига бураб олганча судраб тортиб келарди.

Мен бу уйда фақат ўзимнинггина очиб, ўраниб юришга мажбур эдим. Шу боис эртаси кунни рўмолимини ечиб, ойинга қарар эканман, ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Кечаги зарб билан урилишим ҳисобига афти-башарам жуда моматалоқ бўлиб кетганди. Аксига олиб шу кунни дадам келиб қолдилар. Ахволимни кўриб "Нима қилди, она қизим?" деб сўрадилар. Оиламизда қизлар орасида менга муҳаббатлари зўрроқ бўлгани учун доим "она қизим" деб мурожаат қилардилар. Қалбимда ғазаб ва алам туғён ураётган бўлсада, ичимга ютиб "иши

банка олгани чордоққа чиққан эдим, йиқилиб тушдим" деб ёлгон гапирдим. Мен кўрсатган баҳона қайнотамга ёқиб тушибди, менга қараб кулиб қўйдилар.

Кунлар бирин-кетин ана шундай турли хангомалар билан ўта бошладим. Ҳаётим эса жуда зерикарли эди. Ҳаётимки, онам 13 ёшимдан сигир соғиш, овқат пишириш, нон ёпишни ўргатган эдилар. Шунинг учун ҳам бундай юмушларни бажа-

ларди. Бир ҳафта ўтгач, бироз ўнглиниб қолдим. Шунда отам йиғлайвериб холдан тойган ўғлимни кўрсатиб: "Болангни эмиз", дедилар. Вужудим қалтираб кетди. Наҳотки отам ҳам холатимни тушунмаётган бўлсалар. "Бола... Сизга фарзандингиз эмас, шу бола қадрлими?", - дедим ўпкам тўлиб, Шунда илк бор дадамга тик боқдим. "Бола керак бўлса, олинг. Менга унинг кераги йўқ". Йиғлаганча ўғлимни дадамларнинг қўлларига

БАХТ КАМИТИ - ИРОДАДА



Дил изхори

ришда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмадим. Лекин эрим билан муносабатимни тушунолмасдим. У менга нисбатан жуда бепарво эди. Бошқа келин-куёвларга ўхшаб ўйнаб-кулиб юрмасдик. Уйда ҳам эркин, яйраб мулоқотда бўлмасдик. Устига-устак қайнотам эшигимиз олдида кўрпача тўшаб ётиб олишни одат қилганди. Бироқ эр-хотин бўлгандан кейин муроосаи мадора қилишга мажбур бўлардим.

Хали айтганимдек, оила пароканда эди. Ҳамма бошқа-бошқа овқатланарди. Хонадонда на фазл, на барака бор. Мен ҳам бир бурда нонни кўтариб уйимга кириб кетардим. Қачон хотиржам, қорним тўйиб оқиб еганимни аниқ эслаб олмаман. Бу орада бўйимда бўлиб, ой-куним ҳам яқинлашиб қолди. Эрим ҳамон бепарво. Вақт соати етиб, дард тута бошлаганда у мени туғруқхонага элтиб қўйди. Эртаси кунни ўғлим туғилди. Бир ҳафта давомида отасидан дарак бўлмади.

Туғруқхонадан қайнонам олиб келдилар. Кейин хонада она-бола ёлғиз қолдик. Эримдан ҳамон дарак йўқ эди. Отанасидан сўрашга эса ботина олмасдим. Қолаверса, бунга қизиқиш ҳам йўқ эди. Келганимнинг ўнинчи кунлари бўлса керак, эшигимиз олдида "Волга" машинаси келиб тўхтади. Ундан уч-тўрт эркак тушиб, аввал қайнонам билан баланд овозда сўзлаша бошладим. Кейин мендан "Эринг қани?" деб сўрашди. "Билмайман" дедим. "Кеча уйда ётганим?" дейишди. "Йўқ", дедим. Улар эримни милицияга тўтиб бериб, қаматтиришларини айтиб чиқиб кетишди. Мен нима гаплагини тушунолмамай гаранчик турардим. Кейин билсам, эрим у қишларнинг, яъни узоқ қариндошининг кишини олиб қочиб кетган экан.

Орадан икки кун ўтгач эрим уйга шахт билан кириб келди. Хе йўқ - бе йўқ, "Нега мени уйда йўқ эди, дединг", - деб уриб - тепкилаб бошладим. Қайнона-қайнотамнинг бу воқеага бепарқ қарагани, мени ўғилларнинг чангалдан қутқариб олгани жуда алам қилди.

Бу уйда, шундай вазиятда яшай олишимга кўзим етмай қолди. Учинчи кунни боламни кўтариб, барвақт йўлга тушдим. Онамларникига яқинлашганимда хали қош қораймаган эди. Маҳалла-қўйга шу ахволда кўринадан ор қилиб, уйимиз яқинидаги пахтазорга кириб ўтирдим. Баланд ўсган ғўзалардан панох топдим. Уч кунгача туз тотганим боис кўнглим озар, бошим айланди, тинка-мадорим қуриб борарди. Қўлимдаги боланинг гингишиб йиғлаши ҳам қулоққа кирмасди.

Қоронғу тушгандагина ховлимизга кириб бордим. Кўча эшикни очиб, ичкарига қадам босдим... у ёқини эслаб олмаман. Хушимдан кетиб қолгубман. Ўзимга келганимда уйда ётардим. Отанам ва катта акам тепамда ўтиришар, чақалоқни кўтариб олган онам юм-юм йи-

тутқаздим. Қаттиқ ҳаяжонланганимдан яна хушимдан кетиб қолгубман. Шу ётганча анча ётиб қолдим.

Йигирма кунлик чақалоқни отанам ўзлари парвариш қила бошлашди. Бешикни ўрталарига қўйиб олиб, кечаси билан тебратиб чиқишарди. Нимжон туғилган бола эса йиғисини бас қилмасди. Уйқусизликдан қийналаётган ота-онамга жуда раҳим келар, аммо ўғлимни кўлимга олишга юрагим дов бермасди. Гуё барча азобларим учун шу гўдак сабабчидек эди. Бир сўз билан айтганда, уни ёмон кўриб қолгандим. Аммо ўғлим тўрт ойлик бўлгач, унга нисбатан муносабатим ўзгараётганини ҳис этдим. Бу оналик меҳри эди, албатта. Қолаверса менинг кўргиликларимда нораҳат гўдакнинг айби нима? Уни кўтариб овутадиган, бағримга босиб эркалайдиган бўлдим.

Шундай кунлардан бирида бу ердаги кувончим ҳам поёнига етгандек бўлди. "Энди уйингга кет", - дедилар дадам чой устида. "Мен сени деб қариндошларим билан юз кўрмас бўлиб кетишни истайман. Қайтиб келишни ҳаёлингга ҳам келтирма".

Отамнинг сўзини қайтаролмай, ноилж яна эримникига қайтдим. Бу ерда ҳам менга "ўзи кетган ёр-ёр, ўзи келган ёр-ёр" қабилда муомалада бўлдилар. Эрим ҳам олиб қочган қўзига уйланиб кетиб қолган экан. Мен чин маънода ташландиқ кимсага айланиб қолдим. Иложи борича иш билан овуншишга ҳаракат қилдим. Колхозга чиқиб, ғўза чопик қилардим. Аммо уйга қайтишга, қайнона-қайноталарим билан бўладиган мулоқотга юрагим дош бермасди. Боламини дала шўлинига қўйиб, кетмон чақиб юрган кунларимнинг бирида жуда ҳўрлигим келди. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Шу ҳам ҳаётми? Отамнинг уйдан қувилган бўлсам, эримникида чиқиштиришмас. Одам ўрнида кўриб муносабатда бўлишмас. Бу дунёда хор бўлиб яшашдан қура, ундан воз кечганим яхши эмасми? Бундай азоблардан қутулишинг йўли борми? Чорасини топгандай бўлдим. Ундан фақат ўлиб қутуламан. Ҳа, улимгина овоз этади. Фақат шу йўл меннинг халоскоримга айланishi мумкин. Аммо қандай қилиб?

Шу пайт миямга ярқ этиб бир фикр келди. Қўлимдаги кетмонини мулқитриб, олисдан "тақа-туқ" қилиб келаётган поезд томон югурдим. Биз ишлаётган дала четидан темир йўли ўтган эди. Келаётган состав бензин цистерналари уланган юк поезди эди. Бунни кейин билдим. Уша пайтда кўзимга ҳеч нарса кўринмас, ягона мақсадим азоб-уқубатлардан қутулиш учун жонимга қасд қилиш эди. Мен югуриб бориб, рельс устига ўлтириб олдим. Бошимни тиззаларим устига қўйганча, кўзимни чирт юмиб, ажал дақиқаларини кута бошладим. Мана... мана... мана хозир. Бутун вужудим музлагандек, юрагимнинг бетоқатлик билан "дук-дук" уришигина тирикликдан дарак бериб турарди. Аммо разъезддан эндигина чиқиб, тезликни ошира бошлаган поезд машинисти мени узоқдан кўриб, тормозни босган экан. Бу ёқда эса бригадиримиз бошлиқ йигирма чоғлик колхозчи мен томонга юрган. Улар етиб келганда машинист мени қўлимдан силтаб тортиб, рус тилида роса бошлаб сўнгингача, милицияга топшириш билан қўрқитар, бригада аъзоларимиз эса бу қўлимдан ушлаб дала томон судрашарди. Хуллас, ажалим етмаган экан, бир ўлкадан қолдим.

Қолаверса хабар топган отам мени олиб кетдилар. Биз яна бирга яшай бошладик. Олдинги билинмаган бўлса-да, очик айтиш керакки, вақт ўтиши билан ўзимда қандайдир нуқулалйлик ҳис эта бошладим. Фарзандим билан ота-онамга боқиманда бўлиш ўзимга ҳам хуш келмай қолди. Ўғлимга кийим-бошини отам олиб берсалар, бу борада ҳеч қандай гап-сўз бўлмади, ушима нуқулай сезардим. Шунда ўзим ишлаб пул топишга қарор қилдим.

Ўзимиз яшаётган колхозимиздан шартнома асосида икки гектар ер олиб, ғўза парваришида қатнаша бошладим. Бу ҳам етмагандек томоркамизда парник қилиб, уруғ селип помидор қўчати етиштиришга киришдик. Кундузлари далада ишлаб, кечалари қўчатларни яғналалаш билан банд бўлардим. Тайёр бўлган қўчатларни эрта саҳарлаб Қўйлық бозорига элтиб сотиб келардим. Шундай қилиб, 20 ёшимдан ўз рўзгоримни ўзим тебратиб бошладим. Келин бўлиб тушган хонадон билан борди-келди ҳам тўхтади.

Йиллар ўтди. Отанам ҳам раҳматлик бўлиб кетишди. Сингилларим ҳам узатилди. Отамнинг уйида акамнинг оиласи ва биз яшай бошладик. Аммо акам "Сен отамнинг эрка қизи эдинг. Бу ҳовлида сен қилиб, уларнинг чирогини ёқиб тур", деб бошқа жой олиб қўчиб кетдилар. Тинимсиз меҳнатим тўғрисида рўзгоримни бутунлаб олдим. Ўғлимни ҳам тирик етимлигини билдирмай парваришлай бошладим. Катта онам мени давлат ишига жойлаб қўйдилар. Аммо шунда ҳам даладаги икки гектар еримни топширмадим. Асосий ишимдан бўш вақтимда яна далада ишлардим. Помидор қўчати етиштириб сотишни ҳам давом эттирдим.

Олти ой муқаддам ўғлимни уйлантирдим. Худога шукр, иккаласи аҳил, иноқ яшамокда. Ширин-шакар неварам ҳам бор. Яқинда сезиб қолдим. Ўғлим отаси билан топишиб ҳам олибди. Бот-бот учрашиб, қўришиб келади. Этни тирноқдан ажратиб бўлмас экан, қаршилик кўрсатмастман. Аммо хар бир учрашувдан ўғлим кўнгли ранжиб қайтади. Отасининг унга бўлган муносабати ҳақида қуониб сўзлайди. Унга иложи борича далда беришга, яхшими-ёмонни отаси экани, унинг динини оғритиш катта гуноҳ бўлишини тушутиришга уринаман. Ўғлимга далда бераман, ўзим ичимдан зил кетаман. Менинг ҳаётда бунчалик қийналишимга ахир эрим сабабчику. У менга бунчалик бепарво бўлмаганида ва бевафалик қилиб, бошқа қизга уйланиб олмаганида мен ҳам хонадоннинг семимли бекаси бўлиб қолардимми? (Гарчи уларнинг хонадонда бу нарса амалга ошиши гумон бўлсада.) Гоҳида ота-онам қариндош-уруғчиликни мустахкамлаш йўлида мени бунчалик ёш узатишмаганда, мен ҳам ҳаётинг аччиқ-чучугини олдинроқ ҳис этганимда ёки бирор киши билан севишиб турмуш қурганида, балки, бундай бўлмасдики деган армон ҳам қалбимни тирнаб қўяди. Бироқ эримни ҳам айблай олмаман. Уни ҳам қариндошининг қўзига, яъни менга зўрлаб уйлантириб қилишган. Унинг қалбида ҳам менга нисбатан на севги, на муҳаббат ва на муруват тўғриси бўлган. Балки унга кўнглисизлигим мендан бездиргандир. Тўри, энди бу гаплардан фойда йўқ. Аммо бундай вазиятга тушган ёлғиз мен ўзим эмаслигимни, ҳаётда яна қўллаб бундай чалқашликлар содир бўлиши мумкинлиги, хом сут эмган банд то бош "так" этиб деворга урилмагунча зада бўлмаглигини эътиборга олиб сўзлашман, холос.

Фарзандларим, набирам менинг овуночгим. Уларга боқиб дардимки ҳам, аламимни ҳам унутаман. Аччиқ, келинликда ўзимнинг ёшлигимни кўргандек бўламан. Унинг сўзломлиги, саранжом-сарришталиги ҳавасимни келтиради. Уй-рўзгорини, сигир-бузоқни эплаганокда, жуда пазанда. Тандирда ёпаётган нонларининг нақадар тотли эканини айтмайсимзи.

Яратганга минг қатла шукр қилмаман. Ҳаётимдан нолимайман ҳам. Тақдир азал деганлари шу бўлса керак. Пешонамга битилган қисматдан чекинишинг иложи йўқлигини ҳам яхши тушунаман. Фақат кўча-қўйда, йиғилганда ясан-тусан қилиб юрган аёллар даврасида бўлганимда ўзимнинг меҳнатдан қадок босган дала қўлларимга боқиб хижолат тортаман. Вужудимга зирқирок туради. Ахир мен ҳам бошқаларга ўхшаб ўзимга оро бериб юришим, хушбичим бўлишим, қўлларим ҳам майин ва нозик бўлиши мумкин эди-ку, - деган ҳаёл қалбимни титратади. Аммо "меҳнат кишини беэади" иборасини эслаб, ўзимга тасалли бераман. Иш билан инсон ўлмаслигига, ҳаётинг аччиқ-чучугига бардош берган аёл албатта бахтли бўлишига ишонч ҳосил қиламан. Ешлигимга бориб ўғлимни истаб қолганимни эсласам, бир қўлим келади, бир ҳўрлигим. Хар қандай вазиятда ҳам иродали бўлиш инсон бахтининг қалити эканлигини ҳис этганим сайин ҳаёт ғўзаллашиб, нурларга чўмилиб бораётгандек бўлади назаримда.

ДИЛОРОМ

Тошкент вилояти

ГОРМОНЛАР ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Тиббиётчиларнинг айтишларича организмда 200 га яқин гормонлар mavjud, бироқ шуларнинг ўнтаси инсоннинг руҳини яхшилаш учун хизмат қилади. Булар ҳақда билиб қўйганингиз маъқул. ЭСТРОГЕН (терини доимо қон билан таъминлайди, терининг таранг ва соғлом бўлишига, сочининг яхши ўсишига ёрдам беради) гормоннинг муҳим жиҳати шундаки, у ёши ўтган кишиларни инфарктдан сақлайди. Бу гормоннинг камиймаслиги учун наъматак ва ертуг барглари тенг миқдорда олиб, озрок малина қўшингда бир стакан қайнаб турган сувда дамбаб кейин докада сузиб ичинг. Ўзингиздаги ажинларни силаб турсангиз, сизнинг ҳиссиётларингизни уйғотувчи ОКСИТОЦИН гормонини

кўпайтирган бўласиз, Идорада иложи борица жанжалли вазиятлардан қочинг, аксинча жисмоний машқлар билан шуғулланинг, бироз шоколад еб туринг, шундагина кайфиятингизни кўтарувчи СЕРОТОНИН гормонини рағбатлантирган бўласиз. Ваннага тушиб ёттиг, шаршаралар овозини эслатувчи куй-кўшиқларни эшитинг, шунда НОРАДРЕНАЛИН гормонини кўпайиб, асабингиз толиқишлари баргараф этилади. Мириқиб, каттик ухлай олсангиз кифов, СОМАТОТРОПИН гормонини ҳосил бўлиб, у сизнинг танангизда оксил алламинувини фаоллаштиради, ортиқча ёш тулланишининг олдини олади, сарвқомат бўлишингизни таъминлайди. Қолган бешта гормон ҳақида кейинроқ сўз юритамиз.

ГРЕЧИХА... МАГНИЙ БОР!

Бирданига сочларингиз тўкила бошлади. Тирноқларингиз уваланиб, тишларингиз қорайиб кетади. Айттайлик, сиз диққатингизни ҳам бир жойга тўплотмай кийналяпсиз, оёқ-қўлларингиз увушади. Кўз олдингизда "қора доғ"лар учиб юради ёки бошингиз айланаб, тез-тез мувозанатингизни йўқотасиз. Бунинг устига юрагингиз ўйнайди, тўйиб ухлагандан сўнг ҳам толиқиб уйғонасиз, баъзан болдир мушакларингиз зўриқиб орғийди. Агар бу ҳолатлар сизни ташвишга солаётган бўлса, билингни, танангизда магний етишмайди! Магнийнинг инсон учун зарурлиги шундаки, у юрак ишига ижобий таъсир кўрсатади.



тади, руҳиятни яхшилайдди, камқонликнинг олдини олади, суякларнинг ва тишларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Айниқ-қанда, киши тушқунликка тушганида магнийнинг фойдаси бекиёс. Шунингдек, магний онкологик хасталиқлар хавфини камайтиради. Тананинг магнийга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, киши тез-тез гречиха бўтқаси истеъмол этиб туриши зарур. Бундан ташқари, сули (геркулес) кипиги, ловия, куритилган мевалар ва бодомида ҳам магний сероб.

Қаҳва (кофе) **ҚАҲВА "ФАОЛЛИК" ДЕГАНИ** танана қандай таъсир кўрсатади? Бу саволга жаҳон олимлари узоқ вақт жавоб изладилар ва қаҳванинг инсон учун ниҳоятда фойдали эканини аниқладилар. Аслида, қаҳва сўзи арабча бўлиб, унинг маъноси "фаоллик", "кучлилиқ" дегани экан. Қаҳва кишига артефактга таъсир кўрсатади, таркибидаги кофеин марказий нерв ишини рағбатлантиради, тўқималарнинг ҳаётли қувватини оширади. Маълумки, шифокорлар қаҳванинг зарари ҳақида кўп мартаба таъкидлаша-

аниқлашчица эса қаҳва меъда-ичак йўллари ҳам ижобий таъсир кўрсатаркан. Мия ишини рағбатлантиришдан ташқари, янчилган қаҳва заррачалари сувдаги металлларни осонлик билан ўзига сингдиришаркан. Холбуки, металлларнинг ортиқчаси тана учун зарарли...

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАНДА

Киши учун спорт машғулоти ўта фойдали, у биринчидан саломатликни мустаҳкамлайди, иккинчидан инсоннинг руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Олимларнинг таъкидлашчица, ҳар бир спорт машғулоти пайтида одам ўз танасининг қай маҳсулотларга эҳтиёжи баланд эканини билиб олиши зарур экан. Айттайлик, сузишдан аввал таркибида темир моддаси кўп бўлган таомларни ейиш керак бўлса, велосипедда сайр қилишдан олдин таркибида глюкоза миқдори юқори бўлган маҳсулотларни қабул қилмоғи зарур. Маълумки, теннис

мушкулларни ривожлантиради, юрак ишини яхшилайдди, қон айланишининг меъёрида бўлишини таъминлайди. Теннис ўйнаётганда кишидан анча-мунча куч сарфланади, шунинг учун ҳам бу ўйин олдин таркибида магний сероб бўлган таомлар билан овқатланиш фойдалидир дейишади мутахассис олимлар. Баскетбол эса тананинг юқори қисмини ривожлантиради, мушкулларга куч йиғади, ушбу машғулот олдин таркибида темир ва С витамин кўп бўлган маҳсулотларни (масалан олма, айниқса нордон олмаларни) истеъмол қилиш лозим бўлади.

ТИЛ НИМА УЧУН ҚАРАШ БЎЛАДИ?


Тилнинг караш боғлаб, оқариши ошқозон-ичак фаолиятининг яхши эмаслигини билдиради. Бунда тилнинг таъм билиш билан боғлиқ бўлган бехисоб сўргичли шиллик пардаси яллиғланади. Сўргичлар буришади, уларни қоплаб турган эпителий кўчади. Буришган сўргичлардан кўчган эпителий овқатнинг майда зарралари билан қўшилиб тилда караш ҳосил қилади. Меъда ширасининг кислоталилиги ошиб кетган-

да, сурункали гастрит, сурункали кабзаятдан азоб чекаётган беморлар тили ҳам оқариб туради. Баъзан эса шилинқираганга ўхшаб, каттароқ бўлиб қолади. Меъда ширасининг кислоталилиги камайиб кетган ҳолларда эса аксинча, тил бироз қичрайди ва оқариб караш боғлайди. Ошқозон-ичак яраси касаллиги кучайган пайтда ҳам тилда караш пайдо бўлади. Агар тилдаги караш бир неча кунлаб йўқолмасдан турса, шифокордан маслаҳат олиш зарур бўлади.

Саҳифани **ГУЛЖАМИЛА** тайёрлади

(Боши ўтган сонда.) Аммо... бир кунни нимадир иш билан шаҳарга тушганим тасодифан дўстимни учратиб қолдим. Мен унга: "Юр, кўчада тик туриб гаплашмайлик, бирорто ошхонага кириб бир мириқиб отамлашамиз", дедим. У бўлса ошхонада нима қиламиз, «дом»га борамиз», деди. ««Дом» кимники?» деб сурштирмапман ҳам. Бозорга кириб бир кило кўй гўшти, бир кило гуруч ва шунга яраша сабзи, пиёз, бир ароқ, унинг газига помидор билан бодиринг, ҳамда кўкатлардан ҳам харид қилдик. Дўстим тантилиқ қилиб, менинг бир сўм пулимни ҳам олмади. Олдинма-кейин гурунглашиб бир «дом»га бордик. Иккинчи қаватга чиқиб бир эшикнинг кўнғироқ тугмасини дўстим босди. Эшикнинг ички илмоқлари ширриқ-шириқ қилиб эшик очилди. Не кўз билан кўрайки, ўша мени таъқиб қилган дўстимнинг синглиси кулиб бизга салом берганча бўсағада турарди. Гўё кўлтигимдан тарвузим тушган кўйи анграйиб, саломига алик олдим ва биз ичкарига кирдик. Икки хонали уй экан: Уйнинг ичида деярли кўзга кўринарли анжом йўқ. Фақат битта оқ-қора телевизор билан магнитофонни ҳисобга олмаса, худди ижарада турувчиларнинг хонасидай уй бўм-бўш эди. Дўстим нима мақсадда келганимизни тушунтирган бўлди. Синглиси даров сабини ювиб келди, уччаламиз ҳам ишга тушиб кетдик. Ошни дўстим қилмоқчи бўлди. Аслиям ҳамма овқатни пиширишни билсам-да, ошга укувими йўқлиги боис ташаббусни дўстимга бериб қўя қолдим. У ошхонада «жиз-биз» қилиб гўшт билан пиёзни қовуриш билан овора, мен эса охириги 2-3 та қолган сабини тўғраётган эдим,

"Севгидан омадим чопмаган, бир эмас икки марта севганман", дедим мен ҳам очилиб. Шу тоғда "сабзи тайёр бўладими"? деб дўстим хонага бош суқди. Иккаламиз ҳам бараварига "ха" деб юбордик. Дўстимнинг синглиси



ГУНАЖИН КЎЗИНИ СУЗДИ-Ю...

дўстимнинг синглиси ўтмишни тагин эслатди. "О. ака, уйланибсиз деб эшитдим, муборак бўлсин, келинпошша яхшими, энди юракни анча босиб олган бўлсангиз керак-а?" деди. Мен бошимни ишдан кўтариб унга қарадим. Унинг кўзлари нақд оловдай ёниб турарди. "Ха энди", дедим тилимга бошқа сўз келмади. «Менинг ҳам тўйим бўлди, келмадингиз», деди мен сўрамасам ҳам. "Табриклаймиз", дедим мен бироз енгил торган кўйи. "Табрикламасангиз ҳам бўлади", дея гапини давом этди у. "Мени бошимни айлантириб уйлانган экан, у номард. Хали у қиз кўнғироқ қилади, хали бу қиз йўқлаб келади, охири уйдан ҳайдаб юбордим. Эримни икки хонали уй фойдага қолди. Ҳажиям у лаънатидан бола орттирмаганим, йўқса уйга боғланиб қолардим. Ҳозир тикувчилик цеҳида ишляпман. Онам "Қишлоққа қайтиб кел", дейди, қишлоқда нима бор. Яна сигирнинг тагига кириб сўт соғишим, хар кунни қўлимни саситиб таппи қилишим керакми энди. Бўлди, тамом, қишлоқни елкамининг чуқури кўрсин. Ўзингиз нима иш қилаяпсиз?, дея мени сўроққа тутди. "Ўқитувчиман", дедим қисқа қилиб. "Эшитишимча хотинингизга кўнғингиз йўқ эмиш, шу ростми?", "Йўқ, хотиним ўқимшили, баямни аёл. Ҳозир тарбиячи бўлиб ишляпти. Тўғри, яхши кўриб уйланмаганман, лекин ҳурмат қиламан", дедим. Сиримни хаспўшлаган бўлиб: "Хурмат бошқа, муҳаббат бошқа О. ака". Бу ҳаётга барчамиз ҳам бир марта келамиз. Уйнаб-кулиб, севиб-севилиб яшаганга не етсин тўғрими, О. ака дейди сиримни билиш ниятида.

тўғралган сабини товоққа солиб ошхонага чиқди. Мен ҳам қўлимни ювиш учун ювиниш хонасига ўтдим. Дўстим бир тарелкага қовурилган гўшт олиб қўйган экан, синглисини чақириб: "Ҳалигини олиб кел, ош пишгунча О. билан 50-50 та қилайлик", деди. Ароқ келтирилди. Қозонни бошида тик туртиб 50 грамм ичишининг ҳам ўз гўшти бор. Бир-бир култум ичдик. Бир маҳал эшик кўнғироғи чалиниб қолди. Қиз бориб эшикни очди. Дахлизда тапир-тупур оёқ товуши ва икки эркакнинг овози эшитилди. Дўстим қўлида капкир билан дахлизга чиқиб улар билан қисқача сўрашдию, тезда изига қайтди. Нимагадир рангида хижолатомуз кайфият пайдо бўлди. Мен бунини сезиб сезмасликка олдим. Синглиси 5-10 дақиқа ниманидир тортишган кўйи улар билан хайрлашиб эшикни ёпди. Дўстим эса тилини тамоман ютди. Синглисидан ким улар, нима учун келган деб ҳатто сўрамади ҳам. Қиз ҳеч нарса бўлмагандай: "Ош пишдимми?", деб ошхона эшигидан мўралади. Унинг ранги қип-қизариб кетганди. Дўстим қисқа қилиб "беш минутда, тайёр бўлади", деб жавоб қайтарди. Ош ҳам пишди, катта бир лаганга чош қилиб, ош сузилиб дастурхона тортилди. Ошнинг олдиндан 3 та пиёлага ароқ қуйилиб учаламиз ҳам ичдик. Шиша ошининг ярмига етганда тугади. Синглиси яна бир шиша ароқни акасизнинг олдига олиб келиб қўйди. "Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди-да", деб дўстим уни очиб пиёлаларга қуюётган эди.

(Давоми бор.) Олимжон НУРМАТОВ

Оила ва жамият
Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтариқмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи»
Акционерлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - Яққа обуначилар учун 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 941. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоиси эркин нархда. Адади - 22772
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Расмом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.